

ЎРМОН ХҮЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚҰМИТАСИ
ЎРМОН ХҮЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ
ДОИРАСИДА РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА ДАРАХТ-
БУТА КҮЧАТЛАРИНИ ЭКИШ БҮЙИЧА

ТАВСИЯЛАР



ТОШКЕНТ – 2022



**“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛӢЙ ЛОИХАСИ
ДОИРАСИДА РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА ДАРАХТ-
БУТА КӮЧАТЛАРИНИ ЭКИШ БӮЙИЧА
ТАВСИЯЛАР**

Тошкент-2022

Мазкур тавсиянома Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги илмий–тадқиқот институти профессорлари А.Х.Ҳамзаев, С.К.Кожахметов ҳамда катта илмий ходимлар Б.Эшонқулов, Н.Мухсимов, Б.Мамутов ва Х.Юлдашевлар томонидан узоқ йиллар давомида ўtkазилган тадқиқотлар ҳамда кузатувлар натижалари асосида тайёрланган.

Мазкур тавсиянома Республикаиздаги шаҳар, туман ва аҳоли яшаш пунктларини кўкаламзорлаштиришга маъсул мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, унда вилоятлар тупроқ-иклим шароитларининг қисқача тавсифи, кўкаламзорлаштиришда ишлатиладиган манзарали дараҳт ҳамда бута кўчатларини ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитига мос равишда экишга тавсия этиладиган турлари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Тавсиянома Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти илмий кенгашининг 2021 йил 30-ноябрдаги 12-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, чоп этишга тавсия этилган.

Тақризчилар:

Бердиев Эркин Турдалиевич – ТошДАУ “Манзарали боғдорчилик” кафедраси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Рузметов Умид Исмаилович – Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти “Доривор ўсимликлар дехқончилиги” лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим.

КИРИШ

Жорий йилнинг 2-ноябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” умуммиллий лойихасини амалга ошириш, мазкур лойиҳа доирасида йилига 200 млн. туп дарахт ва бута кўчатларини экиш белгиланган эди. Бундай кенг қўламли ташаббуснинг амалга оширилиши натижасида шаҳарларимиздаги яшил майдонлар худуди ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга оширилади.

Президентимизнинг мазкур ташаббусидан сўнг, вилоятлар марказлари, шаҳар ва аҳоли яшаш жойлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва саноат корхоналари атрофларини кўкаламзорлаштиришга жуда катта эътибор берилмоқда.

Ушбу умуммиллий лойиҳа бўйича эълон қилинган “долзарб 40 кун”лик доирасида республика худудларида 200 млн. дона дарахт ва буталар кўчатларини экиш режалаштирилиб, шундан 2021 йил кузида 75 млн. дона ва 2022 йил баҳор мавсумида 125 млн. дона кўчатлар экилиши белгилаб олинди.

Жумладан: фермер хўжаликлари ва агрокластерлар экин ер майдонлари четларига - 56 млн дона; ишлаб чиқариш корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳалари худудларида - 41,5 млн дона; туман (шаҳар)лардаги ҚФЙ, МФЙ худудлари (кўп қаватли уйлар атрофи)да - 40,3 млн дона; туман (шаҳар)лардаги ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги худудларда - 39 млн дона; ижтимоий соҳа (мактаб, касалхона, ўқув юртлари) обьектлари ва ташкилотлар худудларида 15,6 млн дона; автомобиль йўллари ёқасида ташкил этиладиган ихота дарахтзорлари - 7,4 млн дона кўчатлар экилади.

Экилиши белгиланган кўчатларни етказиб бериш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар қилиниб, кўчатчилик фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан 75,8 млн дона (38%), кўчатчилик бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан 90 млн дона (45%) ва давлат ўрмон хўжаликлари томонидан 34,2 млн дона (17%) етказиб берилиши белгилаб қўйилган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида экиладиган дарахт

кўчатлар тўғрисидаги маълумотлар “yashilmakon.eco” - ягона электрон базаси шакллантирилиб, аниқ ҳисоб-китоб тизими йўлга кўйилган.

Кўкаламзорлаштиришда ишлатиладиган дараҳт-буталар нафақат шаҳар ва аҳоли яшаш жойларининг кўркамлигини таъминлайди, балки кишиларга эстетик завқ бағишлайди, кўча шовқинни ютади, асабларни тинчлантиради ва энг муҳими атмосферани мусаффолигини таъминлайди.

Шу сабабли ҳам кўкаламзорлаштириш мақсадида фойдаланиладиган манзарали дараҳт-бута турларини тўғри танлаш ва уларнинг ассортиментларини вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда тавсия этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 93-сонли қарорининг 10-банди ижросини таъминлаш, шунингдек давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дараҳтлар ва буталардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш, республикамизнинг иқлим ва тупроқ шароитларидан келиб чиқсан ҳолда давлат ўрмон фондига кирмайдиган ҳудудлардаги аҳоли турар жойларида манзарали дараҳт ва буталарни экиш, парвариш қилиш, буташ, кесиш масалаларини қамраб олган ҳолда ушбу тавсиянома ишлаб чиқилди. Бу эса кўчат етиштирувчи корхона ва хусусий ташкилотлар олдига кўкаламзорлаштиришни сифатини ошириш учун сифатли ва таннархи арzon, маҳаллий шароитларга мослашувчан, кўркам, хушманзара гуллайдиган, эстетик завқ берадиган стандарт талабларга жавоб берадиган манзарали дараҳтлар кўчатларини кўпайтиришни таъминлайди.

Ҳар йили жойларда миллионлаб бута ва дараҳт турлари экилмоқда. Экилган кўчат ва ниҳолларнинг кўпгина қисми турларнинг нотўғри танланганлик, экиш ва парваришларнинг белгиланган агротехнологик тадбирларини амалда етарлича

қўлланмаслиги оқибатида нобуд бўлмоқда. Шу сабабли ҳам ҳар бир ҳудудга мос келадиган манзарали дараҳт-бута турларини тўғри танлаш, мақбул муддатларда ва усулларда экиш, парваришлаш жуда катта амалий аҳамият касб этади.

Мазкур тавсиянома Республикаиздаги шаҳар, туман ва аҳоли яшаш пунктларини кўкаламзорлаштиришга маъсул мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, унда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришда ишлатиладиган манзарали дараҳт ҳамда бута кўчатларининг ҳудудлар бўйича тавсия этилган турлари, уларнинг қисқача тавсифи келтирилган.

I. РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДЛАРИНИНГ ТУПРОҚ ВА ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ

1.1. Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Қорақалпоғистон Республикаси – Ўзбекистоннинг шимолида жойлашган. Умумий ер майдони 166,6 минг км², аҳолиси 1916000 киши (2020). Республика - Қизилқум сахросининг шимолий ғарбий қисмини, Устюрт платосининг жанубий шарқий қисмини, Амударё делтасини эгаллайди. Орол денгизининг жанубий қисми Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган. Маъмурий – ҳудудий қурилиши 14 тумандан иборат: Амударё, Беруний, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қанликўл, Мўйнок, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Элликқалъа, Нукус ва Тахиатош шаҳарлари ҳамда туманларга қарашли шаҳарлар, элат ва қишлоқлардан иборат.

Иқлим шароити. Минтақанинг иқлим шароити кескин ўзгарувчан. Қиши қаттиқ совуқ – 20-22⁰С гача этади. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати эса +35,+40⁰С гача етиб, шамол тезлиги 2,6-3,2 м/с ошади. Ҳудудда чанг-бўронли кучли шамоллар қўтарилиш даври асосан баҳор фаслининг март, апрел ва куз ойларининг сентябр, октябр, ноябр ойларида кузатилади. Қиши фасли давомийли қуруқ совуқ ва деярли қорсиз бўлади. Тупроқ 0,5-0,7 метргача музлайди. Ҳавонинг ўртacha йиллик нисбий намлиги 52 %, йиллик ёғин миқдори 95,6-108,0 мм ни ташкил этади.

Тупроқ шароити. Жанубий туманлар - Тўрткўл, Беруний, Амударё ва Элликқалъанинг тупроғи ўтлоқи тупроқ. Механик таркиби енгил. Ўртacha шўрланган. Ер ости сувларининг сатҳи 1,5-2,0 метрни ташкил этади. Ҳайдалма қатламида тупроқнинг зичлиги 1,19-1,32 г/см³ атрофида бўлиб, пастга тушиш билан зичлашиб боради. Тупроқда чиринди (гумус) миқдори оз бўлиб, ўртacha 0,8-1,0%ни, ҳайдалма қатламида (0-30 см) нитрат шаклидаги азот миқдори (N-NO₃) 20,2 мг/кг, ҳаракатчан фосфор (P₂O₅) 31,1 мг/кг ва калий (K₂O) 273 мг/кг ни ташкил этади. Тупроқ муҳитининг реакцияси нейтрал бўлиб, pH-6,0-7,0 га teng.

Шимоли-Ғарбий туманлар - Нукус, Хўжайли, Кегейли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпирнинг тупроғи кучли ва ўртacha

шўрланган. Тупроқлари ўтлоқи-аллювиал типга мансуб. Асосан тупроқнинг 30-40 см қатламида тузлар миқдори кўп бўлади, ундан пастки қатламларда кам миқдорни ташкил қиласди. Тупроқдаги чиринди гумус миқдори 1-1,3%ни, умумий азот 0,09-0,11%ни ва умумий фосфор 0,4-0,16%ни ташкил қиласди. Тупроқ муҳитининг реакцияси нейтрал бўлиб pH -7,0 га teng. Ер ости сизот сувларининг сатҳи 1-2 метрни ташкил этади. Чимбой, Қораўзак ва Тахтакўпир туманларининг тупроғи тақирли-ўтлоқи тупроқ. Тупроқлари кучли шўрланган. Ер ости сувларининг сатҳи 1,5-2,0 метрни ташкил этади. Баҳор ойларида ер ости сизот сувларининг сатҳи 1,0-1,5 метрни ташкил этади. Тупроқ механик таркиби жуда ҳам хилма-хил - оғир ва енгил тупроқлардир. Тупроқдаги гумус миқдори 1-1,3%ни ни ташкил этади. Тупроқ муҳитининг реакцияси нейтрал бўлиб, pH -7,0 га teng.

Шимолий туманлар - Кўнғирот, Шуманай, Конликўл ва Мўйноқ туманларининг тупроқ шароити ўрта механик таркибли, қумоқли аллювиал тупроқ типига киради. Мўйноқ туманида эса енгил механик таркибли аллювиал тупроқлар ва супеслар тарқалган. Кучли шўрланган. Тупроқнинг пастки қисмида 2-2,5м қаттиқ гипс қатлами мавжуд. Ер ости сувларининг сатҳи 1,7-2,2 м ни ташкил этади. Тупроқда гумус миқдори жуда кам 0,7-0,9% ни, тупроқ муҳитининг реакцияси нейтрал бўлиб, pH - 7,0 га teng.

1.2. Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Хоразм вилояти - Ўзбекистон Республикасининг шимолий гарбида жойлашган. Ер майдони 6,1 минг км² ни ташкил этади. Аҳоли сони 1866,7 минг киши (2020). Хоразм вилояти ер тузилиши жиҳатидан икки қисмга. Денгиз сатҳидан 100-110 м баланд бўлган катта шимолий қисмга ва денгиз сатҳидан 120-150 метргача баланд бўлган чекка жанубий қисмга бўлиш мумкин.

Иқлим шароити. Хоразм вилояти иқлими кескин континентал бўлиб, худудининг қумлар билан ўралганлиги сабабли ёз кунлари ҳарорат $+43^{\circ}+45^{\circ}\text{C}$ даражага кўтарилади. Хоразм вилояти маъмурий худудий тузилиши бўйича 11 та туман ҳамда Урганч ва Хива шаҳарларига ажратилади. Ўртacha ҳарорат ёз фаслида $+27,5; +28,0^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлиб, максимум $+40,0-41,0^{\circ}\text{C}$

гача кўтарилади. Хоразм вилоятида ёз ойларида ҳаво иссиқ ва қуруқ келиб, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Йилнинг энг иссиқ ойи июл бўлиб, ўртacha суткалик ҳарорат $+27\text{-}28^{\circ}\text{C}$, кундузи баъзида $+45\text{-}46^{\circ}\text{C}$ атрофида иссиқ бўлади. Куз фасли асосан сентябр ойининг иккинчи ўн кунлигида бошланиб, қисқа 60-70 кун давом этади. Тез-тез такрорланадиган куз шамоллари айрим кунларидаги тезлиги 15-20 м/сек. гача боради. Кечалари ҳаво ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ дан кундуз кунлари $+20^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Қиш кунлари ҳаво совук бўлиб, қор кам ёғади, унинг қалинлиги 4-5 см дан ошмайди. Ёзнинг бошида гоҳида шиддатли ёғингарчиликлар бўлиб баъзида дўлга айланади, ёз ойларида ҳаво қуруқ келиб, иссиқ бўлади.

Тупроқ шароити. Хоразм вилоятининг тупроғи эскидан суғориладиган, Амударёning аллювиал ётқизиқларидан ташкил топган, ўртacha ва кучли шўрланган тупроқлардан иборат. Ҳайдалма қатламида тупроқнинг зичлиги $1,19\text{-}1,32 \text{ г/см}^3$ атрофида бўлиб, пастга тушиш билан зичлашиб боради. Хоразм воҳасида жойлашган экин майдонларининг тупроғи азалдан озиқ моддаларга унчалик бой эмас. Тупроқларининг ҳайдов қатламида чиринди ўртacha 0,88% бўлиб, ҳайдов ости қатламида 0,81% га пасайиб, бу жараён тупроқ кесмасининг пастки қатламлари томон бир меъёрда камайиб 0,23% га қадар камаяди. Чиринди микдори (0-30 см) ўртacha 0,685% ни, нитратли азот (N-NO_3) 20,2 мг/кг, ҳаракатчан фосфор (P_2O_5) 31,1 мг/кг ва алмашинувчи калий (K_2O) 273 мг/кг ни ташкил этган.

1.3. Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Бухоро вилояти – вилоятлар ичида майдони катталиги бўйича иккинчи ўринда туради. 1938-йил 15-январда ташкил этилган. Бухоро вилояти худуди асосан Қизилқум чўлида жойлашган бўлиб аҳоли яшаш пунктлари, дала экинзорлари текисликларда жойлашган, жануби-шарқини эса Зарафшон водийси эгаллаган. Шимоли-ғарбда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси, шимол ва шарқдан Навоий вилояти, жануби-шарқда Қашқадарё вилояти, жануби-ғарбда Туркманистон билан чегарадош. Майдони $39,4$ минг km^2 . Аҳолиси 1870,2 мингдан зиёд киши (2018). Маркази-Бухоро шаҳри.

Иқлим шароити. Бухоро вилоятида апрел ойидан бошлаб ҳаво ҳарорати кўтарилиб бошлайди. Ёз иссиқ ва қуруқ келади, энг иссиқ ҳарорат $+43\text{--}45^{\circ}\text{C}$ июл ойида кузатилади. Энг совуқ кунлар декабр–феврал ойларига тўғри келади ва энг паст ҳарорат $-18\text{--}20^{\circ}\text{C}$ гача бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва қуруқ келиши, кўп миқдорда сувнинг буғланишига олиб келади. Фойдали ҳарорат йифиндиси $2600\text{--}2700^{\circ}\text{C}$ даражани ташкил этади. Вилоятда ёзда иссиқ шамол (гармсел), қишида изғирин шамолнинг эсиб туриши кузатилади. Қуруқ иссиқ шамолларнинг бўлиши асосан июн, июл, август ойларида бўлади, бундан ташқари кучсиз гармселлар кўп эсиб туради. Ёғингарчилик миқдори кам бўлиб, йиллик ёғингарчилик миқдори $90\text{--}110$ мм дан ошмайди.

Тупроқ шароити. Бухоро вилояти тупроғини механик таркиби енгил тупроқ қавати билан биргаликда қум ва қумоқ, оғир бўз тупроқлардан иборат. Вилоят ерларида тупроқлар шўрланиш даражасига қараб кучли, ўрта ва кучсиз шўрланган ерлар ҳисобланади. Асосан тупроқнинг 30-40 см қатламида тузлар миқдори кўп бўлади, ундан пастки қатламларда кам миқдорни ташкил қиласди. Ер ости суви яқин, балл бонитети паст. Тупроғининг ҳайдов қатламида (0-30 см) чиринди миқдори ўртacha $1,182\%$, нитратли азот (N-NO_3) $17,7$ мг/кг, ҳаракатчан фосфор (P_2O_5) $26,1$ мг/кг ва алмашинувчи калий (K_2O) 263 мг/кг ни ташкил этади.

1.4. Навоий вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Навоий вилояти - вилоятлар ичидаги майдони катталиги бўйича биринчи ўринда туради. 1982 йил 20 апрелда Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари худудларидан ташкил этилган. 1988 йилда маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, 1992 йил бошида қайта тикланди. Шимолий ва шимоли-шарқдан Қозоғистон, жануби-шарқдан Жиззах, Самарқанд, жанубдан Қашқадарё, жануби-ғарбдан Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Майдони $111,0$ минг км 2 . Аҳолиси $802,3$ минг кишига яқин (2003). Маркази - Навоий шаҳри.

Навоий вилоятининг ҳудуди табиий шароитига кўра, З қисмга бўлинади: вилоятнинг Шимоли-Ғарбий қисмини Қизилқум чўли

эгаллаган - бу ерда берк ботиқлар (Карақота, Мұлали, Мингбулок), эол қумли текисликлар ва қолдик тоғлар (Овминзатоғ, Етимтоғ, Бўкантов, Томдитов ва ҳ.к.) бор; Жануби-Шарқий қисмини Нурота тоғ тизмаларининг Ғарбий қисми паст ва ўртача баландликлардаги тоғлар (Қоратоғ, Октоғ ва бошқалар) ҳамда тоғлараро ботиқлар (Нурота ботифи ва бошқалар) эгаллаган; Зарафшон дарёси воҳасининг ўрта қисмига тўғри келади.

Иқлим шароити. Навоий вилояти агрометеостанциясининг кўп йиллик маълумотларига кўра вилоятда самарали ҳарорат йиғиндиси 2800–3200 °C ни ташкил қиласди. Йилнинг энг иссиқ даврлари июл ойига ва совуқ январ ойларига тўғри келади. Умуман иқлим кучли континентал хусусиятга эга бўлиб, ёзда ҳавонинг ҳарорати +39+42°C гача кўтарилиши, қишида эса –22–23°C гача пасайиши аниқланган. Ёзning иссиқ ва қуруқ келиши, баҳорда ёғингарчиликнинг кўплиги, кузда иссиқ ва совуқ ҳавонинг такрорланиб туриши, қишида совуқ бўлиши билан характерланади.

Тупроқ шароити. Навоий вилояти ҳудудидаги тупроқлар асосан ўтлок бўз тупроқ турларидан бўлиб, механик таркиби бўйича ўрта қумоқ, сизот сувлари жойлашиш чуқурлиги 4–5 м ни ташкил қиласди. Тупроқлари таркибида гумус миқдори 1,5 % дан ошмайди. Тупроқдаги ҳаракатчан шаклидаги озиқа моддаларнинг миқдори ҳам тупроқ қатламишининг чуқурлашиши билан камайиб боради. Тупроқдаги азотнинг миқдори юқори қатламда 0–20 см 11,4 мг/кг бўлса, пастки қатламда бу кўрсаткич 2 баробаргacha камайиб боради. Ҳаракатчан фосфор миқдори юқори қатламда 11,4 мг/кг бўлса, пастки қатламда бу кўрсаткич 5,5 мг/кг гача камаяди. Тупроқдаги алмашинадиган калий миқдори юқориги қатламда 254 мг/кг, пастки қатламда бу кўрсаткич 182 мг/кг га teng. Бу тупроқлар таркибида чиринди (гумус), азот ва фосфор миқдори паст тупроқлар гуруҳига киради.

1.5. Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Қашқадарё вилояти - Республикасининг жануби-ғарбига, Қашқадарё ҳавзасида, Помир Олой тоғ тизмасининг ғарбий чеккасида, Амударё ва Зарафшон дарёлари, Ҳисор ва Зарафшон тоғ

тизмалари орасида жойлашган. Шимоли-ғарбдан Бухоро, жануби-шарқдан Сурхондарё, жануби-ғарб ва ғарбдан Туркманистон, шарқдан Тожикистон ва Самарқанд вилоятлари билан чегарадош. Маркази — Қарши шахри.

Иқлим шароити. Қашқадарё вилояти ҳудудининг иқлими ўзгарувчан бўлиб, катта сув ҳавзаларидан узоқлиги – қуруқ ва иссиқ ёз ва совуқ – қиши билан ҳамда ёғингарчиликнинг йил давомида бир текис тушмаслиги билан ажралиб туради. Энг совуқ кунлар январ, феврал ойларда кузатилиб, ўртача ҳаво ҳарорати – 2,6–6,2⁰C ни ташкил этса, энг паст ҳарорат эса -29,0-30,0⁰C ва энг юқори ҳарорат +41,0–43,0⁰C июн–июл ойларида кузатилади. Дастребаки қор ёғиши декабр бошларида кузатилади. Ёғингарчилик, асосан апрел ва май ойларида кўп бўлиб, бу даврларда йиллик ёғинлар миқдорининг 60-65 фоизи тушади. Йил давомида 177–252 мм гача ёғингарчилик бўлиши кузатилади.

Тупроқ шароити. Вилоят ҳудуди уч хил морфологик гурухга, яъни адирлар (денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда), дашт ва чўл ҳудудларига бўлинади. Тупроқлари оч бўз тупроқ, қумоқ тупроқ турларига бўлинади. Тупроқ таркибида гумус миқдори 1,3–1,8 %, ялпи азот –0,18-0,22 %, фосфор –0,14-0,18 % ва калий –3,4–6,2 % гача ўзгариб туради. Ушбу ҳудуддаги оч тусли тупроқлар кучсиз ишқорий реакцияга (рН–7,2–7,4) эга, сингдириш сифими 100 г тупроқда 25-28 мг.экв бўлиб, алмашиниб ютиладиган катионлар йиғиндисини (5-8 %) калий ҳамда натрий ташкил этади. Тупроқнинг пастки қатламларида (1,5-2 м) гипс қатлами мавжуд.

1.6. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Сурхондарё вилояти. Ўзбекистон Республикасининг энг жанубий қисмида 37⁰, 39⁰ шимолий кенглик ва 68⁰, 67⁰ шарқий узунликда жойлашган. Вилоят маркази-Термиз шахри.

Сурхондарё вилояти уч томондан; шимолдан Зарафшон тог тизмаси, ғарбдан Кўҳитанг тоғи, шарқдан Боботоғ тоглари билан ўралган. Жануб томондан эса Амударё оқиб ўтади.

Сурхондарё вилояти сугориладиган ерларини иккита минтақага ажратиш мумкин:

1. Бўз тупроқлар минтақаси: тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат бўлиб, унга Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Бойсун туманлари ва Қумқўрғон туманининг шимолий қисми киради.

2. Сахро-чўл минтақаси: сахро паст текисликларига Қумқўрғон тумани жанубий қисми, Бандихон, Қизириқ, Жарқўрғон, Шеробод, Музрабод, Ангор ва Термиз туманлари киради.

Иқлим шароити. Кескин континентал. Йиллик ёғинларнинг асосий микдори (52 %) қиши даврига, 37 % қисми эса март, апрел ойларига тўғри келади. Ёз ва куз ойларида ёғингарчилик деярли бўлмайди. Ҳаво намлиги жуда паст ва буғланиш микдори эса жуда катта бўлади. Сурхондарё вилоятида йиллик ўртacha ҳарорат $+16,2-18^{\circ}\text{C}$ гача бўлади. Экинларнинг ёзги вегетация даврида $+29-32^{\circ}\text{C}$ гача бўлиб, ўртacha қунлик ҳарорат $+36-38^{\circ}\text{C}$ ва энг юқори ҳарорат $+46,9-50,0^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Қишида эса энг паст ҳарорат -20°C га етади. Ҳаво қурғоқчилиги ёз ойларида 45-50 кунгача давом этиб, ушбу кезларда кучли гармсел шамоллари содир бўлади. Фойдали ҳарорат йиғиндиси $+2704-3056^{\circ}\text{C}$ га тенг. Ёғингарчилик, асосан март, апрел ойларида кўп бўлиб, бу даврларда йиллик ёғингарчиликлар микдори 170,0-200,0 мм гача кузатилади..

Тупроқ шароити. Сурхондарё вилояти тупроқлари хилма-хиллиги ва ҳар хил қўринишлиги билан ажралиб туради. Даشت минтақасининг тупроқлари сизот сувлари яқин бўлган ерларда шўрланишга мойил бўлиб, гумус микдорининг камлиги, гипс ва карбонат тузларининг кўплиги билан ажралиб туради. Даشت минтақаси тупроқлари чириндига бой бўлмаганлиги, механик таркиби бўйича жуда енгил бўлиб, шўрланиш билан бирга тез зичлашишга мойил. Шу сабабли ҳам ушбу минтақа шароитида дехқончилик юритиш учун алмашлаб экиш ва ерга ишлов беришнинг замонавий ва самарали усусларини қўллашни талаб қиласиди.

Сурхон-Шеробод воҳасида бўз қўнғир; тақир қўринишли; тақирсимон-ўтлоқ; қумоқ-дашт; ўтлоқ ва ботқоқ-ўтлоқ; шўрхок тупроқлар учрайди. Бу тупроқлар таркибидаги гумус, умумий

NPK, ҳаракатчан P_2O_5 , K_2O миқдори нисбатан кам, тупроқ мухити эса (pH) 7,0-7,1 ни ташкил этади.

1.7. Самарқанд вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Самарқанд вилояти - вилоятлар ичида майдони катталиги бўйича учинчи ўринда туради. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Шимол-шарқдан Жиззах, жанубдан Қашқадарё ва Навоий, жануби-ғарбдан Навоий вилоятлари, шарқий томондан Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 16,8 минг км². Аҳолиси 3685,7 минг кишига яқин (2020). Маркази - Самарқанд шаҳри.

Иқлим шароити. Самарқанд вилоятининг иқлим шароити тоғ ва тоғолди текислик ҳудуди бўйича тавсифланиб умумий - тез ўзгарувчан, ёғингарчиликни кам бўлиши ва уларни йил давомида бир текис тушмаслиги билан ажралиб туради. Энг совуқ кунлар январ ойида кузатилиб, ўртacha ҳаво ҳарорати $-0,6-2,2^{\circ}C$ ва юқори ҳарорат $+24,5-26,8^{\circ}C$ бўлиб, июн-июл ойларида кузатилади. Вилоят майдонларининг тоғлик шароитларга яқинлигига қараб, совуқ ҳаво оқимининг ҳажми ортиб боради. Ёғингарчиликлар миқдори йил давомида ўртacha $355,2-367,6$ мм ни ташкил этади. Йилнинг тўрт ойида (июн-сентябр 10-12 мм ёки йиллик ёғинлар миқдорининг 3,0-3,6 фоизи тушади, март, апрел ва май ойларидан ҳаво ҳароратини ортиши ва ёғингарчилик миқдорини кўп бўлиши туфайли ўсимликни ўсув ва ривожланиш даврлари тезлашди. Ушбу ойларда ўртacha кўп йиллик ҳаво ҳарорати $+14,0+18,8^{\circ}C$, нисбий намлиги 74-63 фоизни ва ёғингарчилик миқдори 85,3-116,0 мм ташкил этади.

Тупроқ шароити. Самарқанд вилояти ўтлоқ-бўз тупроқлари серкарбонатлиги, гумус миқдори камлиги ва таркибида жуда ҳам оз миқдорда азот сақлаши билан тавсифланади. Ўтлоқ-бўз тупроқлар таркибида гумус миқдори 1,3-1,8 %, ялпи азот – 0,1-0,2 %, фосфор – 0,08-0,2 % ва калий – 2,3-3,0 % гача ўзгариб туради. Бу ҳудуддаги ўтлоқ-бўз тупроқлар кучсиз ишқорий реакцияга (pH –7,2-7,6) эга, сингдириш сиғими 100 г тупроқда 12-15 мг.экв бўлиб, алмашиниб ютиладиган катионлар йиғиндисининг 80-86 % кальций, 10-15 % магний ва 5-8 % калий ҳамда натрий ташкил этади. Тупроқлар эритмасининг мухити ҳайдалма қатламда (0-25 см) кучсиз ишқорий

бўлиб, рН-7,1-7,3 ни ташкил этади, тупроқнинг пастки қатламларига тушиши билан бу кўрсаткич ортиб боради ва ўртacha рН-7,4-7,5 гача этади.

1.8. Жиззах вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Жиззах вилояти-Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган. Вилоят майдони 21,2 минг км² бўлиб, Республика умумий майдонининг 4,7 фоизини ташкил этади. Аҳолиси 1337 минг киши (2018. Вилоят шимол ва шимолий шарқ томонидан 216,9 км узунликда Қозоғистон Республикаси билан, шарқ томондан 91,9 км узунликда Сирдарё вилояти билан, шарқ ва жанубий шарқ томондан 326,7 км узунликда Тожикистон Республикаси билан, жануб ва жанубий ғарб томондан 199,8 км узунликда Самарқанд вилояти ва ғарб томондан 83,7 км узунликда Навоий вилояти билан чегарадош. Маъмурий маркази -Жиззах шаҳри.

Иқлим шароити. Жиззах вилоятининг иқлим шароити тоғ ва тоғолди текислик ҳудуди бўйича тавсифланиб умумий - тез ўзгарувчан, ёғингарчиликни кам бўлиши ва уларни йил давомида бир текис тушмаслиги билан ажralиб туради. Ўртacha йиллик ҳаво ҳарорати кўп йиллик маълумотларга кўра 13,1-15,6 °C ни ташкил этса, энг паст ҳарорат – 0,9 °C га тенг. Ҳаво ҳарорати январ ойида - 0,2-5,1°C гача бўлади. Ёз ойларида эсадиган шамол тезлиги 8-10 м/с ни ташкил этади. Баъзи, йиллари ёз ойларида иссиқ шамол-гармсел бўлиши, экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ёғингарчиликларнинг асосий қисми куз, қиш ва баҳор мавсумига тўғри келади. Ўртacha бир йиллик ёғин миқдори 202,4-237,8 мм ни ташкил этади.

Тупроқ шароити. Жиззах вилояти ерлари тоғли ҳудудлар, дашт адир ва ўзлаштирилган чўл ҳудудларидан иборат. Шу сабали вилоятда тоғ қўнғир, типик бўз ва оч тусли бўз тупроқлар учрайди. Тоғ қўнғир тупроқлар таркибидаги гумус миқдори бўйича ажralиб туради. Ишқорсизланган тупроқларда гумус 9-10 %, типик тупроқларда 5,5-6,5 % ва карбонатли тупроқларда 3,0-3,5 % дан иборат. Ишқорсизланган тупроқларда умумий азотнинг миқдори 0,84–0,93%, фосфор 0,21–0,35% ни ташкил этади. Типик ва карбонатли тупроқларда бу кўрсатгичлар пастроқ бўлиб типик тупроқларда 0,4-0,5% ва 0,19-0,25 %, карбонатли тупроқларда эса бу кўрсатгич анча паст бўлади. Оч тусли бўз тупроқлар об-

ҳавонинг (табиий иқлимининг) келишига қараб, 40-120 см гача чуқурликда намланиши мумкин. Оч тусли бўз тупроқларнинг ғовакли бўлиши ўзига хос хусусиятидир. Кальций карбонат (CaCO_3) тупроқнинг механик зарраларини бириктириб, структура бўлаклари ҳосил қиласи. Гумус микдори жуда кам бўлиб, юқори қатламида 1,0-1,5 % ни ташкил этади. Ялпи азот 0,05–0,09 %, фосфор 0,14-0,23 % ва калий микдори 1,72-2,20 % га яқин. Умумий азот ҳайдалма (0-30 см) қатламда 0,12 %, фосфор 0,25 %, калий 2,2 % ни ташкил этиб, уларнинг ҳаракатчан шакли эса, $\text{N-NO}_3-8,5$, $\text{P}_2\text{O}_5-22,0$, $\text{K}_2\text{O}-197$ мг/кг ташкил этади.

1.9. Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Сирдарё вилояти - 1963 йил 16 февралда ташкил этилган. Шимолдан Қозогистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти билан чегарадош. Таркибида 9 туман (Боёвут, Гулистон, Мехнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Шароф Рашидов). Майдони 5,3 минг км². Ахолиси 805134 киши (2019). Маркази - Гулистон шаҳри.

Иқлим шароити. Сирдарё вилоятининг ўртача йиллик ҳаво ҳарорати кўп йиллик маълумотларга кўра 13,1-15,6 °C ни ташкил этса, энг паст ҳарорат – 5,9°C га teng. Ёз ойларида энг иссиқ ҳаво ҳарорати июл–август ойларида кузатилади +43–45 °C гача бўлади. Ёз ойларида эсадиган шамол тезлиги 15-20 м/сек ни ташкил этади. Баъзи, йиллари ёз ойларида иссиқ шамол-гармсел бўлиши, экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қўрсатади. Ёғингарчиликларнинг асосий қисми куз, қиш ва баҳор мавсумига тўғри келади. Ўртача бир йиллик ёғин микдори 257,4-392,8 мм ни ташкил этади.

Тупроқ шароити. Сирдарё вилоятининг ерлари суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар ва ўтлоқи, ўтлоқи – ботқоқ тупроқлардан иборат. Сизот сувлар яқин 1,5–2 м. Бу тупроқлар механик таркиби жиҳатидан қумоқ ва соз, шўрхок ва шўрхокли тупроқларга ажralади. Бўз тупроқлар зонасида оч тусли бўз тупроқлар тарқалган майдон ўзининг текислиги, ёғин-сочинларнинг энг кам микдорда бўлиши ҳамда ҳаво ҳарорати энг юқори, аксарият-тупроқдан сарфланадиган сувнинг энг катта кўрсаткичга эга

бўлиши билан характерланади. Оч тусли бўз тупроқларнинг ғовакли бўлиши ўзига хос хусусиятидир. Бунга кальций карбонатининг (CaCO_3) мўллиги ва ҳашаротлар йўлларининг кўплиги сабаб бўлади.

Оч тусли бўз тупроқларда гумус миқдори жуда кам бўлиб, юқори қатламида 1,0-1,5 % ни ташкил этади. Ўтлоқи ва ўтлоқи – ботқоқ тупроқларининг характерли томони чимли қатламнинг бўлиши, таркибида гумус миқдори 3–4 % ни ташкил этади. Тупроқ чириндиси пастки қатламларига ўтган сари камайиб борувчи, озиқ моддалар миқдори жиҳатдан кам таъминланган тупроқлар қаторига киради. Ялпи азот 0,05–0,09 %, фосфор 0,14-0,23 % ва калий миқдори 1,72-2,20 % га яқин. Умумий азот ҳайдалма (0-30 см) қатламда 0,12 %, фосфор 0,25 %, калий 2,2 % ни ташкил этиб, уларнинг ҳаракатчан шакли эса, $\text{N-NO}_3\text{-8,5}$, $\text{P}_2\text{O}_5\text{-22,0}$, $\text{K}_2\text{O}\text{-197}$ мг/кг ташкил этади. Бу тупроқларнинг шўрланиш даражаси турлича бўлиб, таркибида хлорли ва сулфатли тузлар миқдорига қараб гурухларга ажратилади.

1.10. Андижон вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Андижон вилояти – Фаргона водийсининг шарқий қисмida жойлашган. 1941 йил 6 марта ташкил топган бўлиб, майдони 4,2 минг km^2 . Аҳолиси – 3188200 киши (2021). Вилоятда 14 та туман, 11 та шаҳар ва 95 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор. Маркази – Андижон шаҳри.

Иқлим шароити. Андижон вилояти ҳудудининг иқлим шароити кескин континентал. Ёз ойларининг қуруқ ва иссиқлиги, қишининг совуқлиги ўзгариб туриши, гидротермик меъёрларнинг бир-биридан фарқланиши билан характерланади. Айниқса ёзда иссиқ гармсел бўлиши қишлоқ хўжалик экинлари билан бирга манзарали дараҳт ва бута кўчатларига салбий таъсирини кўрсатади.

Андижон метеостанциясидан олинган маълумотларга кўра ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $10,5\text{--}12,0^{\circ}\text{C}$ бўлади. Энг паст даражаси $-6,0\text{--}8^{\circ}\text{C}$ январ ойида ва энг юқори ҳарорат $+35,8\text{--}40,0^{\circ}\text{C}$ июл ойида кузатилади. Ёғингарчилик, асосан март, апрел ва май ойларида кўп бўлади. Йиллик ёғингарчиликлар миқдори 355,0-518,2 мм гача кузатилади.

Тупроқ шароити. Андижон вилояти тупроқлари Қорадарё соҳили бўйлаб суғориш тармоқлари мавжуд жойларда ўтлоқи тупроқ бўлса, суғориш тармоқлари йўқ жойларда ўтлоқи ботқоқ ҳамда ботқоқ тупроқлардан ташкил топган. Айрим жойларда қисман типик бўз тупроқли, ўрта қумоқ механик таркибли, шўрланмаган, азалдан суғориб келинаётган тупроқ ҳисобланади.

Тупроқнинг унумдор қатлами 30 см бўлиб, гумусга бой ҳисобланади. Ундан кейин оғир қумоқ ва шағал аралашган қатлам ҳамда 100 см чуқурликдан кейин шағал қатлам бошланади.

Тупроғи азалдан суғорилиб келинаётганлиги сабабли текислик худудлардаги ерлар кучсиз шўрланган, хлорли шўрланиш (Cl) 0,049 мг/кг, сульфатли шўрланиш (SO_4) 0,504 мг/кг ни ташкил қиласди.

Тупроқнинг сувли эритмаси нейтрал ($\text{pH}=5,5\text{--}6,0$). Ер ости сувлари амплитудаси 0,5–2,1 м гача етади.

1.11. Фарғона вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Фарғона вилояти – Республикаизнинг шарқида Фарғона водийсининг жанубида жойлашган. Шимолдан Намангандан, Андижон вилоятлари, жануб ва шарқдан Қирғизстон, Фарбдан Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 6,8 минг km^2 , аҳолиси 3817000 киши (2020), таркибида 9 та шаҳар, 10 та шаҳарча, 164 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор.

Иқлим шароити. Фарғона вилоятининг иқлим шароити кескин континентал. Ёз ойларининг қуруқ ва иссиқлиги, қишининг совуқлиги ўзгариб туриши, гидротермик меъёрларнинг бирбиридан фарқланиши билан характерланади. Айниқса ёзда иссиқ гармсел бўлиши қишлоқ хўжалик экинлари билан бирга манзарали дарахт ва бута қўчатларига салбий таъсирини қўрсатади.

Фарғона метеостанциясидан олинган маълумотларга кўра ўртacha йиллик ҳаво ҳарорати $11,5\text{--}12,0\ ^\circ\text{C}$ бўлади. Энг паст даражаси $-6,0\text{--}8\ ^\circ\text{C}$ январ ойида ва энг юқори ҳарорат $+35,8\text{--}40,0\ ^\circ\text{C}$ июл ойида кузатилади. Ёғингарчилик, асосан март, апрел ва май ойларида кўп бўлади. Йиллик ёғингарчиликлар микдори 355,0–518,2 мм гача кузатилади.

Тупроқ шароити. Фарғона вилояти тупроқлари типик бўз тупроқ ва қўнғир тупроқдан ташкил топган. Айрим жойларда

қисман типик бўз тупроқли, ўрта қумоқ ва қумоқ механик таркибли, шўрланмаган, азалдан суғориб келинаётган тупроқ ҳисобланади.

Тупроқнинг унумдор қатлами 30 см бўлиб, гумусга бой ҳисобланади. Ундан кейин оғир қумоқ ва шағал аралашган қатlam ҳамда 100 см чуқурликдан кейин шағал қатлам бошланади.

Тупроғи азалдан суғорилиб келинаётганлиги сабабли текислик ҳудудлардаги ерлар кучсиз шўрланган, хлорли шўрланиш (Cl) 0,049 мг/кг, сульфатли шўрланиш (SO_4) 0,504мг/кг ни ташкил қиласди.

Тупроқнинг сувли эритмаси нейтрал ($\text{pH}=5,8-6,0$). Ер ости сувлари амплитудаси 0,8–2,0 м гача етади.

1.12. Наманган вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Наманган вилояти – 1941 йил 11 марта ташкил топган. Вилоят Республикализнинг шарқида, Фарғона водийсининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган. Шимолий ва шимолий-шарқдан Қирғизистон Республикаси, жанубий-шарқдан Андижон вилояти, жанубдан Фарғона вилояти, ғарбдан Тошкент вилояти ва Тожикистон билан чегарадош. Майдони $7,44 \text{ km}^2$, аҳолиси 2868500 киши (2021 й.). Вилоятда 11 та туман, 8 та шаҳар, 11 та шаҳарча, 99 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Маркази – Нманган шаҳри.

Иқлим шароити. Вилоятда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати $14,1^\circ\text{C}$ ни ташкил этса, энг паст ҳарорат -21°C га teng. Ҳаво ҳарорати январ ойида ўртача $0,2^\circ\text{C} + 5,1^\circ\text{C}$ гача бўлади. Ёз ойларида эсадиган шамол тезлиги $1,5-2,0 \text{ m/s}$ ни ташкил этади. Баъзи, йиллари ёз ойларида кучли шамол бўлиши, экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ёғингарчиликларнинг асосий қисми куз, қиш ва баҳор фаслига тўғри келади. Ўртача бир йиллик ёғин миқдори $382,4-437,8 \text{ mm}$ ни ташкил этади. Ҳавонинг нисбий намлиги ёз ойларида $24-26\%$ қиш ойларида эса $55-85\%$. Йил давомида қор билан қопланган кунлар $28-30$ кунни ташкил этади.

Тупроқ шароити. Наманган вилоятининг ерларида қўнғир бўз, оч тусли бўз тупроқ, қумли-қумоқ-аллювиал ва типик бўз тупроқлар кенг тарқалган. Бу тупроқлар тарқалган майдон ўзининг

текислиги, тупроқдан сарфланадиган сувнинг ўртача кўрсаткичга эга бўлиши билан характерланади. Қумли-қумоқ-аллювиал тупроқларда ўсимлик фойдалана олмайдиган намлик (сўлиш намлиги) оч тусли ва типик бўз тупроқдагиларга нисбатан 1,5-2 баробар кам. Бу тупроқларнинг ғовакли бўлиши ўзига хос хусусиятидир. Тупроқ таркибида кальций карбонат (CaCO_3) нинг кўп бўлиши тупроқнинг механик зарраларини бириклириб, структура бўлаклари ҳосил бўлишига олиб келади. Гумус миқдори ўртача миқдорда бўлиб, юқори қатламида 2,2-5,4% ни ташкил этади. Тупроқ чириндиси пастки қатламларига ўтган сари камайиб борувчи, типик бўз тупроқлар озиқ моддалар миқдори жихатдан ўртача таъминланган, оч бўз тупроқлар эса кам таъминланган тупроқлар қаторига киради. Ялпи азот 0,067–0,17%, фосфор 0,14–0,24% ва калий миқдори 2,72-4,20% га яқин. Умумий азот ҳайдалма (0-30 см) қатламда 0,17%, фосфор 0,35%, калий 5,2% ни ташкил этиб, уларнинг ҳаракатчан шакли эса, $\text{N-NO}_3-11,5$, $\text{P}_2\text{O}_5-27,0$ ва $\text{K}_2\text{O}-297$ мг/кг ташкил этади. Оч тусли бўз тупроқларда органик ва минерал ўғитларнинг камлиги сабабли қўшимча озиқлантириш керак. Масалан: нина баргли қўчатлар учун соф ҳолда азот – 90-120 кг/га, фосфор – 60-90 кг/га ва калий 30-60кг/га; япроқбарглилар учун органик ва минерал ўғитлар миқдори 1,5 марта кўпроқ берилиши тавсия этилади.

1.13. Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Тошкент вилояти – 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Шимол ва шимолий шарқдан Қозоғистон Республикаси, шимолий шарқдан Қирғизистон Республикаси, шарқдан Намангандан вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси, жанубий-гарбдан Сирдарё вилояти билан чегарадош. Майдони 15,3 минг km^2 , аҳолиси 2907000 кишидан зиёд (2017). Вилоят таркибида 15 та туман, 17 та шаҳар, 18 та шаҳарча 146 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Вилоят маркази – Нурафшон шаҳри.

Иқлим шароити. Тошкент вилояти худудининг иқлим шароити турличалидир: Чирчиқ шаҳри атрофлари кескин континентал, намгарчилик кўп бўладиган – баҳор ва совуқ – қиши билан ҳамда ёғингарчиликнинг йил давомида бир текис

тушмаслиги билан характерланади. Йиллик ҳароратнинг энг паст даражаси $-28,0\text{--}32,0^{\circ}\text{C}$ бўлиб январ ойида ва энг юқори ҳарорат $+34,0\text{--}37,0^{\circ}\text{C}$ июл ойида кузатилади. Паркент туманига ўтган сари баҳорда намгарчилик кўп бўлади ва қиши совуқ бўлиши билан бирга ёғингарчиликнинг йил давомида бир текис тушмаслиги билан ажралиб турди. Йиллик ҳароратнинг энг паст даражаси $-28,0^{\circ}\text{C}$ бўлиб январ ойида ва энг юқори ҳарорат $+37,0\text{--}38,0^{\circ}\text{C}$ июл ойида кузатилади. Ёғингарчилик, асосан март, апрел, май ва июн ойларида кўп бўлиб, бу даврларда йиллик ёғингарчиликлар миқдори $652,0\text{--}758,2$ мм гача кузатилади. Ёғингарчилик, асосан март, апрел ва май ойларида кўп бўлиб, бу даврларда йиллик ёғингарчиликлар миқдори $432,0\text{--}528,2$ мм гача кузатилади.

Вилоятнинг Бекобод йўналишида жойлашган туманларда иқлим шароити кескин континентал. Ёз ойларининг қуруқ ва иссиқлиги, қишининг совуқлиги ўзгариб туриши, гидротермик меъёрларнинг бир-биридан фарқланиши билан характерланади. Айниқса ёзда иссиқ гармсел, қишда эса совуқ шамол бўлиши қишлоқ хўжалик экинлари билан бирга манзарали дараҳт ва бута кўчатларига салбий таъсирини кўрсатади.

Тупроқ шароити. Тошкент шахрига яқин жойлашган Қибрай тумани тупроқлари ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлардан иборат. Бу тупроқлар таркибидаги чиринди миқдори бўйича ўзаро фарқ қиласди. Айrim жойларда қисман типик бўз тупроқли, ўрта қумоқ ва қумоқ механик таркибли, айrim жойлари кучсиз шўрланган тупроқ ҳисобланади. Тупроқнинг унумдор қатлами 30 см бўлиб, гумусга бой, тупроқнинг устки қатламида $1,0\text{--}1,5\%$ гача бўлади. Ундан кейин оғир қумоқ ва шағал аралашган қатлам ҳамда 100 см чуқурликдан кейин шағал қатлам бошланади.

Бу тупроқларда гумус $10\text{--}12\%$ гача, умумий азотнинг миқдори $0,86\text{--}0,95\%$, фосфор $0,25\text{--}0,38\%$ ни ташкил этади. Тупроқ профили бўйлаб пастга тушган сари бу миқдорларнинг камайиши кузатилади. Бу тупроқлар сергумуслиги натижасида катта сингдириш сифимига эга, яъни чимли қатламларда $24\text{--}28$ мг/экв, чим остида $22\text{--}25$ мг/экв ва пастки қатламларда $14\text{--}17$ мг/экв ни ташкил қиласди.

Тупроқнинг сувли сўримини муҳити нейтрал ($\text{pH} = 6,9\text{--}7,1$). Бу тупроқлар кальций ва магний катионлари билан тўйинган бўлиб, уларнинг миқдори 90-98 % атрофида.

Вилоятнинг Паркент туманида чимли қорамтири жигарранг тупроқлар тарқалган бўлиб, уч гурӯхга ажратилган: карбонатли, типик ва ишқорсизланган тупроқлар. Бу тупроқлар таркибидаги чиринди миқдори бўйича ўзаро фарқ қиласи. Ишқорсизланган тупроқларда гумус 9-11 %, типик тупроқларда 4,5-6,0 % ва карбонатли тупроқларда 3,0-3,5 % дан иборат. Ишқорсизланган тупроқларда умумий азотнинг миқдори 0,86–0,95%, фосфор 0,25–0,38% ни ташкил этади. Типик ва карбонатли тупроқларда бу кўрсатгичлар пастроқ бўлиб типик тупроқларда 0,5-0,58% ва 0,22-0,26 %, карбонатли тупроқларда эса бу кўрсатгич анча паст бўлади. Тупроқ профили бўйлаб пастга тушган сари бу миқдорларнинг камайиши кузатилади. Бу тупроқлар сергумуслиги натижасида катта сингдириш сифимиға эга, яъни чимли қатламларда 24-28 мг/экв, чим остида 22-25 мг/экв ва пастки қатламларда 14-17 мг/экв ни ташкил қиласи.

Вилоятнинг Бекобод йўналишида жойлашган туманларда Сирдарё соҳили бўйлаб суғориш тармоқлари мавжуд жойларда ўтлоқи тупроқ тарқалган бўлса, суғориш тармоқлари йўқ жойларда ўтлоқи ботқоқ ҳамда ботқоқ тупроқлардан ташкил топган. Айрим жойларда қисман типик бўз тупроқли, ўрта қумоқ ва қумоқ механик таркибли, шўрланган, айрим жойлари кучли шўрланган тупроқ ҳисобланади.

Тупроқнинг унумдор қатлами 30 см бўлиб, гумусга бой, тупроқнинг устки қатламида 10–15 % гача бўлади. Ундан кейин оғир қумоқ ва шағал аралашган қатлам ҳамда 100 см чуқурликдан кейин шағал қатлам бошланади.

Тупроғи азалдан суғорилиб келинаётганлиги сабабли текислик худудлардаги ерлар шўрланган, хлорли шўрланиш (Cl) 0,089 мг/кг, сульфатли шўрланиш (SO_4) 0,456 мг/кг ни ташкил қиласи.

Тупроқнинг сувли эритмаси нейтрал ($\text{pH}=5,8\text{--}6,0$). Ер ости сувлари амплитудаси 0,8–1,5 м гача етади.

1.14. Тошкент шаҳри тупроқ-иқлим шароитининг қисқача тавсифи

Тошкент - Ўзбекистоннинг пойтахти ва энг йирик шаҳридир. Бу шаҳар Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмida, Қозогистон билан чегарага яқин қисмда жойлашган бўлиб, майдони $334,8 \text{ км}^2$ ни ташкил этади. 2021-йилги маълумотларга кўра, Тошкент аҳолиси 2 694 400 нафарни ёки Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 8% ни ташкил этади. Ҳозирга келиб, Тошкент МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларидағи шаҳар аҳоли сони бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб турмоқда. Шаҳар Тошкент воҳасида жойлашган бўлиб, воҳа Тян-Шаннинг ғарбий ёнбағирларидан бошланиб Сирдарё этакларига тушадиган кенг тоғолди текислигининг бир қисмida жойлашган. Шарқда у учта - Угом, Пском ва Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, бу тизмаларни шу номлар билан аталувчи дарёлар оқиб ўтувчи даралар ажратиб туради.

Иқлим шароити. Шаҳарнинг иқлими жазира маорифи, қуруқ ёз кунлари ҳамда совук қиши иқлими билан бошқа шаҳарларидан ажралиб туради. Тошкент иқлими континентал, йиллик ўртacha температурада $13,3^\circ\text{C}$, январнинг ўртacha температураси - $1,1^\circ\text{C}$, энг паст температура - 29°C . Июлнинг ўртacha температураси $27,5^\circ\text{C}$, энг юқори температура 42°C . Йилига 360-390 мм ёғин ёғади. Асосий ёғинлар ноябр ҳамда март ойларида кузатилади. Чирчик дарёсидан чикарилган ва бутун шаҳар бўйлаб ўтадиган Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш ва бошқа каналлар унинг микроиклимига ижобий таъсир кўрсатади.

Тупроқ шароити. Худуднинг тупроғи қадимдан суғориб келинадиган типик бўз тупроқ. Бу тупроқ таркибида 0,8-1,0 % чиринди, 0,058-0,089 % атрофида азот, 0,141-0,184 % га яқин фосфор ва 0,154-0,148 % атрофида калий мавжуд, бу эса ўсимлик ўсуви даврида фойдаланадиган озиқа элементларининг жуда оз миқдорда эканлигидан далолат беради. Тупроғи ўрланмаган. Бу тупроқ сув ўтказувчанилиги, юмшатишни мураккаблиги билан фарқ қилади. Суғориши натижасида тупроқ қатлами зичлашиб боради. Суғоришдан ва ёғингарчиликдан кейин қатқалоқ ҳосил бўлади.

Ер ости сувлар 3 м дан чуқур қатламда жойлашган. Азот ва фосфор билан етарли даражада таъминланмаган.

П. КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ТАНЛАШ, КЎЧАТЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

2.1. Ер майдони танлаш

Кўкаламзорлаштириш учун аввал ўша жойнинг рельефи, табиий-иклим ва тупроқ шароитлари ўрганилади. Сўнгра навбат билан қуидаги ишлар бажарилади: майдон курилиш қолдиқларидан тозаланади, куриган дараҳт шоҳ-шаббалари, тўнкалари олиб ташланади, майдон текисланади. Кўкаламзорлаштирадиган майдонда дараҳтзорлар бўлса тартибга келтирилади, яъни касалланган дараҳтлар ва буталар кесилади. Агар касалланган дараҳтлар таналарида коваклар бўлса улар пломбаланади, зарур бўлса шакл берилади. Йиғилган органик қолдиқлар бўлса чиқариб ташланади. Касал дараҳтларни кесишида уларнинг илдиз тизими ҳам ковлаб олинади. Тўнкаларни ёки ахлатларни майдонга кўмиш мумкин эмас, чунки кейинчалик бу ерларда чуқурчалар пайдо бўлиши мумкин.

Экиладиган майдонни текислаш жараёнида оғир лойли тупроқ ва майда қурилиш чиқиндиларини текислаш ишларида қўллаш мумкин. Бунда улар табиий тупроқ билан 50/50 нисбатда аралаштирилади. Чуқурларни текислашда дараҳтлар учун заарли бўлган фабрика ва заводларнинг заҳарли чиқиндиларини қўллаш мумкин эмас. Зарур бўлса чуқурларни енгил, ўрта, оғир қумоқли тупроқлардан олиб келиб тўлдириш талаб этилади. Чунки бундай тупроқлар анча маданийлашган ҳисобланиб, ўзида зарур озиқ элементларини сақлаши билан бирга сув, ҳаво режимини ҳам яхши ушлаб туради.

Режалаштирилган барча ишлар тугагандан кейин тупроқ чопик қилинади. Лойиҳадаги ишларни амалга ошириш учун участканинг ишчи чизмасига мос равишда пўлат лентали ўлчов асбобидан фойдаланилади.

2.2. Тупроқни экишга тайёрлаш

Дараҳтлар ва буталар ўсиб ривожланишининг дастлабки даврида кучли скелет илдиз тармоғини шакллантиради ва улар бир мунча чуқурроқقا ўсиб боради. Ривожланишининг кейинги даврида улар ўзларининг ён илдизларини шакллантирадилар. Ёши

улғайиши давомида илдизлар тупроқ қатламларига тарқалиб, йириклашиб боради. Тупроққа чуқур ишлов берилганды илдизларнинг чуқур қатламларга ўсиб боришига яхши шароит яратилади. Шунинг учун қўчат экишдан олдин тупроққа чуқур (60 см) ишлов бериш тавсия этилади. Ишлов беришдан олдин дала кўп йиллик бегона ўтлар, тошлар, илдиз қолдиқлари ва бошқалардан тозаланади. Дараҳт қўчатлари махсус тайёрланган чуқурчаларга экилади. Чуқурчанинг эни 90-100 см, чуқурлиги 70 см бўлиши керак, бу қўчат илдизларининг бир текис жойлашишини таъминлайди. Асфальтланган йўлкалар четига экиладиган қўчатларнинг атрофи 1,5-2,0 м айланана шаклда очик бўлиши шарт.

Тупроқ кучли зичланган бўлса, чуқурларнинг туби ва деворчаларини 15-20 см юмшатиш зарур. Штамбини атрофи илдизлар заараланмаслиги учун тупроқни 5-7 см чуқурликка юмшатилади.

Боғ барпо этиш амалиётида стандарт қўчатни экиш учун чуқурларнинг катталиги қуйидагича катталикларда бўлади:

- а) 8-10 ёшли дараҳтлар учун диаметр 1 м, чуқурлик 0,80 м;
- б) 3-5 ёшли якка буталар учун диаметр 0,70 м, чуқурлик 0,70 м;

в) Гурух-гурух қилиб экилганда умумий котлован чуқурлиги дараҳтлар учун 0,80 м, буталар учун 0,70 м;

г) Бир ва икки қаторли бутали яшил деворлар учун траншеянинг катталигиги $0,6 \times 0,6$ м. Ҳар кейинги қаторга траншеянинг эни 0,1 м га ортади, чуқурлиги ўзгармайди. Қаторлар оралиғи 0,2 м, ўсимликлар оралиғи (қаторнинг ичидаги) бир қатор қилиб экилганда 0,25-0,40 м, икки қаторлида 0,40-0,50 м, уч қаторли ва бошқаларда 0,50-0,80 м ни ташкил этиши керак. Кўчатлар шахмат тартибида экилиш керак;

д) Буталарга шакл бермасдан полоса қилиб экилганда: бир қаторли полоса учун $0,7 \times 0,7$ м қилиб экилиб, ҳар бир кейинги қаторга эни бўйича 0,5 м қўшилади, чуқурлиги ўзгармайди, қаторлар ораси 0,5 м, қаторлар ичидаги масофа бир қаторли экилганда 1,0 м, икки қаторлида 1,2 м, уч қаторлида ва бошқаларда 1,5 м ни ташкил этади.

Каттароқ дараҳтлар ва буталарни экишда чуқурларнинг ҳажми қўчатларнинг катталиги ва маҳаллий тупроқ шароитларига боғлиқ

бўлади. Чуқур ишлов берилган тупроқларда экиш учун тайёрланган чуқурчалар унча теран бўлмаслиги мумкин, аммо экиш даврида илдизларнинг қийшайиб ёки сиқилиб қолмаслиги учун улар чуқурларга бемалол жойлашиши керак. Кузда экиш учун чуқурлар экишдан 15 кун олдин тайёрлаб қўйилади, кейин олдиндан тайёрланган унумдор тупроқ аралашмаси билан кўмилади. Баҳорда экиш ишларини олиб боришда одатда чуқурлар кузда тайёрлаб қўйилади ва баҳоргача очик қолдирилади. Чуқурларни экишдан бир неча кун олдин тайёрлаб қўйиш тупроқнинг чўкишини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда тупроқда ҳаво алмасишини яхшилаш мақсадида амалга оширилади. Намлик ортиқча ушланиб қолмаслиги учун 15-20 см чуқурлиқди шағал ёки мавйдаланган тош билан дренаж қилинади. Кўчатларни баҳорда экишга тўғри келиб қолса, чуқурлар экишдан камида беш кун олдин тайёрланиши керак.

Чуқурларни ва траншеяларни қазиша тупроқнинг юқори унумдор қисмини бир томонда йигилади ва кейинчалик кўчатларнинг тагини кўмишда ишлатилади. Ортиб қолган унумдор бўлмаган тупроқ майдонни текислашда ишлатилади. Озиқ элементлари кам бўлган тупроқларга кўчатлар экишда чириндили тупроқ аралашмасидан қўшиб кўмиш тавсия этилади. Кўчатларнинг таги тупроқ билан тўлдирилганда, кейинчалик унинг чўкиши ҳисобга олиниши керак бўлади, шунинг учун кўмилган тупроқ табиий ер сатҳидан 10 см юқори ҳолда зичланиши зарур.

Ёш дараҳтзорларни ўғитлашда ўғитни чуқурроқ қатламларга бериш яхши самара беради. Бундан ташқари экишда чуқурларга чириган гўнг ёки биогумус аралаштириб кўмиш ҳам мумкин. Биогумус қўллаганда оғир тупроқларни юмшатади, тупроқни озиқ элементларга бойитиб, нам сақлаш хусусиятини яхшилайди. Қумли ва қумоқли тупроқларда чуқурнинг тагига лойли тупроқлардан солиши мақсадга мувофиқ, чунки бундай тупроқлар намни ўзидан чуқур қатламларга ўтказворади. Лойли тупроқ солингандা намлик кўпроқ вақт сақланади. Лойли тупроқлар учун эса, аксинча қумли ва қумоқли тупроқлар аралаштирилади.

2.3. Кўчатларга талаблар

Экиладиган кўчатлар сифатли ва стандартга мос бўлиши шарт: штамби ва шоҳ-шаббаси керакли катталиқда, шакли ва

ривожланиши нормал ҳолда бўлиши талаб этилади. Қийшиқ, синган, шилинган бўлмаслиги, илдиз тармоғи қалин, зич, бир текисда бўлиши зарур. Кўчатнинг сифати ижобий натижанинг гаровидир. Кўча ва хиёбонларга экиладиган кўчатлар алоҳида сифатли бўлиши шарт. Гуруҳ ва якка ҳолда экиш учун йирикроқ кўчатлар илдиз тупроғи билан экилади. Йирик ўлчамли япроқ баргли кўчатларнинг бўйи 3,5-4,0 м (5-6 ёшли), нина баргли дараҳт кўчатларининг бўйи 2,0-2,5 м (4-5 ёшли) га етган экиш тавсия этилади.

Кўкаламзорлаштириш ишлари тасдиқланган лойиҳа бўйича олиб борилади, у ўз ичига майдонни текислашни (яшил дараҳтзорларни жойлаштириш, йўллар ва майдончалар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар), кўчат экиш режасини, экиш жойларини, дараҳт, бута, яшил деворлар, гуллар ва бошқалар ҳамда уларнинг ассортиментларини ўз ичига олади.

Кўчат экишда шуни ҳисобга олиш керакки, маълум бир майдон бирлигига экиладиган дараҳтлар ва буталар сони, уларнинг орасидаги нисбати, экиш характери, объектнинг иқлим шароитига қараб ўзгариши мумкин. Катта боғлар, паркларда дараҳтларнинг сони буталарнига нисбатан ортади. Дараҳтларнинг сони 1 гектар майдонга 350-500 та ва ундан кўпроқ, буталарнинки эса 2-3 минг дона бўлиши мумкин. Қалин экиш (1 гектар майдонга 1000-2000 та) катта шакллантирувчи аҳамиятга эга бўлсада, дастлабки йиллари юқори сифатли парваришни ва яганалашни талаб этади. Шунинг учун қалин экиш тавсия этилмайди.



I-расм. Дараҳт ва буталарни гуруҳларга бўлинган ҳолдаги умумий кўриниши

Ассортиментни танлашда шуни ҳисобга олиш керакки, тез ўсувлар даражалар, түлиқ сифатлы манзара бериши экишдан кейин 5-6 йил ўтиб беради (секин ўсувлар эса 10-12 йилдан кейин). Буталар құчатлари экилгандан 1-2 йилдан кейин самарали манзара бера бошлайдилар. Шу сабабли биринчи йиллари аввало буталарга, кейинчалик секин ўсуви даражаларга эътибор қаратылади.



2-расм. Истироҳат боғлари ва хиёбонларда йўлакларни жойлашиши бўйича умумий кўриниши

Кўчатлар қуидагида бўлиши мумкин: гурӯҳ, якка-якка (солитер), хиёбонларда икки қатор дараҳт ва буталар экилади.

Гурӯҳ ҳолда дараҳтлар экилганда уларни турига қараб 4-7 м, буталар 1,5-3,0 м оралиқда, қуёшсевар ўсимликларни очикроқ ерга, соясевар ўсимликларни панароқ ерга экиш тавсия этилади.

Якка (солитер) ҳолда экилган дараҳтларни майсазорнинг очик майдонларига жойлашади. Солитер сифатида биринчи навли йирик, юқори манзарали дараҳт турлари экилади: япроқ барглилардан йирик баргли жўка, оддий эман, оқ қайин, сохта каштан, ипак акацияси, мажнунтол, гўзал катальпа, канада багряниги; нина барглилардан ғарб туси, қора қарағай, виргин арчаси, крим қарағайи, элдор қарағайи, шарқ биотаси (платикладус).

Икки қаторли экишни йўлнинг бўйида ёки кўчаларда амалга ошириш мумкин.



3-расм. Ландшафт дизайнига мослаб экилган күчат ва буталарнинг умумий кўриниши.

Дараҳтларнинг бир-бирига оптимал оралиғи 5-7 м. Қуюқ соя берувчи хиёбонларни барпо этишда йирик баргли жўка, ўткир баргли заранг, сохта каштан, гўзал каталъпа, пенсильван шумтоли, майда баргли қайрағоч, қофоз дараҳти, чала соя берувчи хиёбонларни барпо этишда дала заранги, ипак акацияси, канада багряниги, қрим қарағайи, элдор қарағайи, қора қарағайи, виргин арчаси ва бошқа шох-шаббалари сийрак дараҳтлар қўлланади.

2.4. Кўчатларни экиш ва парваришлаш

Тупроқни ҳайдалма қатламига керакли чуқурликда ишлов берилиши дараҳтларнинг ўсиб ривожланишига қулай шароит яратади. Тупроққа чуқур ишлов бериш ўсимликнинг илдиз тизимининг ривожланишини яхшилайди. Айрим адабиётларда дараҳт турлари органик моддани маданий ва қишлоқ хўжалиги экинларидан кўра кам талаб этади. Демак уларни озиқ элементлари кам бўлган тупроқларга экса ҳам бўлаверади, деган нотўғри фикрлар учрайди. Шуни таъкидлаш керакки, дараҳтлар ривожланишининг ҳар хил босқичида озиқ элементларни турлича талаб этади. Айниқса, ўсиш даври кучайган пайтда (10 ёшдан кейин) минерал моддаларни жуда кўп талаб қиласди. Чунки бу

дavrда барглар, новдалар кучли даражада шаклланаётган бўлади. Бу даврда озуқа моддаларнинг етишмаслиги уларнинг касалланишига олиб келади, яъни ўсиши секинлашиб тела қисми қурий бошлайди. Бу ҳолат дараҳтга озиқ элементларнинг етишмаслигидан дарақ беради. Кўчатлар экишда ва уларни парваришлашда бу ҳолатга албатта эътибор қаратиш керак. Баъзан, кўчатлар экилгандан кейин дастлабки йиллар ўсиши тезлашиб, кейинчалик секинлашиб боради. Мисол учун, оддий эман озиқ элементлари кам, қумли тупроқларга экилган бўлса, ёшлигига жадаллик билан ўсади, кейинчалик тупроқдан етарлича озиқ элементларини ололмасдан ўсиши секинлашади. Тупроқнинг унумдорлиги дараҳтларнинг ўсиб ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 100 ёшли қrim қарағайи озиқ элементларга бой тупроқларда (биринчи бонитет) бўйи 35 м гача етади. Унумдор тупроқларда дараҳтларнинг яхши ривожланишини уларнинг шоҳшаббаларининг эртароқ шаклланиши ва бошқаларига нисбатан қалинроқ бўлиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Дараҳтларнинг нормал ривожланиши учун яна бир муҳим омил – бу тупроқнинг физикавий шароитлари. Тупроқ қанча юмшоқ бўлса, дараҳт илдиз тизимининг ўсиши, шоҳланиши учун қулай шароит яратилади. Масалан, қорақарағайнинг илдизи одатда горизонтал шаклда тарқалади, лекин айрим юмшоқ тупроқларда илдиз вертикал ўсиб ҳатто ўқилдизни ҳам шакллантириши мумкин.

Дараҳтларнинг сув билан таъминланишида ҳам тупроқнинг физикавий хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, қумли тупроқлар ўзида намликни кам ушлаб қолади, лойли оғир қумоқ тупроқлар эса намликни қўп сақлаб туриш эвазига дараҳт илдиз тизими ривожланишига яхши таъсир этади.

Дараҳтларнинг озиқ элементларига бўлган талаби уларнинг турларига қараб турлича бўлиши мумкин. Пенсилван шумтоли, майда баргли қайрағоч, майда баргли жўка, қорақарағай (ель) дараҳтлари озиқ элементларига бирмунча талабчан дараҳтлар ҳисобланади. Оддий эман дараҳти ҳар хил тупроқ шароитларида ўсиши билан бошқалардан ажralиб туради. Уни тоғларнинг қурук қияликларида, шўрхок тупроқларда, бўз тупроқларда, дарё ёқаларидаги чириндига бой тупроқларда, қумли тупроқларда

учратиш мумкин. Оддий эманнынг илдиз тизими яхши ривожлангани учун илдизлари 5-6 м чуқурликкача етиши мумкин.

Сувсизликка чидамли дарахт турлари (чаканда, дала заранг, айлант, оқ терак, майда баргли қайрағоч, пенсильван шумтоли япон тухумаги ва бошқалар)ни одатда қурғоқчил тупроқларга экиш тавсия этилади.

Оқ қайин сернам тупроқларни яхши күради, сохта каштан майды баргли жүка, оддий шумурт (черемуха) унумдор тупроқларда яхши ўсади, фақат вақтида сугориб турилиши талаб этилади.

Кўкаламзорлаштириш соҳасида кўп йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотлар асосида манзарали дарахтзорларда кўчатларни турлича экиш схемаси тавсия этилади. Шаҳарларда ва Автомобил йўллари чеккаларини кўкаламзорлаштириш учун йирик штамбли кўчатлардан фойдаланилади. Асосан 4 метр баландликда ва диаметри 5-10 см бўлиб илдиз тупроғи (коми) тана диаметрини 10 барбари олинади. Илдиз тупроғи билан кўчатларни ташишда турли контейнерлар мавжуд. Йирик кўчатларни экиш чуқурини аввалдан тайёрлаб қўйилади.

Манзарали дарахтлар кўчатлари барглар тўкилгандан сўнг кеч кузда ёки баҳорда вегетация бошланмасдан экилади. Баҳорда ишларни тезлатиш учун экиладиган жойларни тайёрлаш ва чуқурчаларни қазиш ишлари кузда бажарилади. Экиш учун чуқурчаларни қўлда ёки машина ёрдамида қазилади. Чуқурчаларнинг катталиги шундай бўлиши керакки, унда илдиз тармоқлари бемалол жойлашиши лозим ($50\times50\times50$ см дан $70\times70\times70$ см гача). Кўчатлар икки-уч ёшли ва стандарт бўлиши керак. Улар яхши ривожланган, механик заарланмаган бўлиши зарур. Экишдан олдин заарланган илдизлар кесиб ташланади, сўнг илдиз қисмини лой ва гўнг аралашмасидан иборат бўлган қуюқ массага ботириб олинади.

Озиқлантириш. Экишдан 6-8 кун олдин чуқурчаларга 10 кг чириган гўнг ёки 300 г, суперфосфат, 60 г калийли туз ва 60 г аммоний сульфати солинади. Ушбу микдорнинг ярми чуқурча тубига, иккинчи ярми юқоридаги чириндили тупроқ билан аралаштирилади ва у билан чуқурга солинади. Экилгандан сўнг атрофига айлана шаклда ариқчалар олинади (1,0-1,2 м диаметрли) ва яхшилаб суғорилади. Илдиз бўғизи очилиб қолса уни тупроқ

билин беркитиб қўйилади. Қуриб қолган кўчатларни ўрнига кузда ёки кейинги йилги баҳорда янгилари экиб қўйилади.

Яшил дараҳтзорларда тутунга ва газга чидамлилигини ошириш усулларидан бири уларга парваришлаш даврида минерал ўғитларни беришдир. Суғориладиган ерларда кўчатларини остига 90-120 кг дан азот ва фосфор (270-360 кг аммиакли селитра ёки 45-60 кг аммоний сульфати ва 450-660 кг оддий донадор суперфосфат) берилади.

Суғориладиган ерларда 150 кг/га азот (450 аммиакли селитра ёки 750 кг аммоний сульфати) ва 120 кг/га фосфор солинади (600 кг/га суперфосфат). Суғорилмайдиган жойларда 60-90 кг/га азот (180-270 кг аммиакли селитра ёки 300-450 кг/га аммоний сульфати), 60 кг/га фосфор (335 оддий суперфосфат) ва 30 кг/га калий (75 кг/га калий тузи) берилади.

Суғориладиган ерларда минерал ўғитларни беришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Уларни ўғитлаш дараҳтзорларни суғориш билан боғлик. Шунинг учун азотли ва фосфорли ўғитларни уч марта берилади – апрел, май ва июнда.

Апрелда 50 % азот ва фосфор, қолганлари эса май ва июнда – иккинчи суғоришдан олдин берилади. Калий тузларининг 50 % и ёзги озиқлантириш шаклида солинади. Уч йил кетма-кет ўғитлар берилади. Уларнинг таъсири кейинги 3-4 йилда ҳам намоён бўлади.

Дараҳтзорлардаги ёш экинларида барча майдон ўғит солиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки ёш ниҳоллар илдиз тармоғи тарқалган майдондаги озиқ моддалардан фойдаланадилар. Шу боисдан чегараланган майдонга яъни кўчатлар атрофида 1-1,5 м диаметрда ўғит бериш лозим. Ўғитларни юқори агротехник фонда айниқса вақтида суғорилганда, тупроқ юмшатилганда ва бегона ўтларга қарши кураш олиб борилганда бериш мақсадга мувофиқдир.

Манзарали дараҳт кўчатларини яхши ўсиши ва ривожланиши учун вегетация давомида тупроқка ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш, дараҳтларнинг шоҳ-шаббасига шакл бериш, бегона ўсимликларни олиб ташлаш, зааркунанда ва касалликларга қарши кураш тадбирларини ўз вақтида олиб бориш лозим бўлади.

Яшил дараҳтзорларда тупроқ юмшоқ ва тоза ҳолда сақланиши керак, бегона ўтлар бўлмаслиги зарур. Бунинг учун қаторлар ичи ва


қаторлар оралиғи тупроғи юмшатилади, йиллик ёнғингарчилік миқдори 800-850 мм дан кам бўлган районларда кўчатлар суғориб турилиши лозимдир. Биринчи йиллари 6-8 марта $600\text{-}700 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорда сув берилади, кейинги йиллари 4-5 марта $900\text{-}1000 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорда суғорилади. Новдалар тўлиқ ёғочланиши учун суғориш августнинг иккинчи ярмида тўхтатилади.

Суғорилмайдиган жойларда парвариш ишлари тупроқда намликини сақлашга қаратилиши лозим. Баҳорда ер (қаторлар ораси ва қаторлар ичи) ҳайдаланади, азотли ўғитлар қўшилади, сўнг 1-2 марта култивацияланади, намликини йиғиши учун тупроқ кузда ҳайдалади ва фосфор – калий ўғитлар берилади.

Янги экилган дараҳт қўчатлари илдиз олиб кетгунча ўз вақтида суғориб турилиши лозим.

Суғориш усуллари. Дараҳт-бута ўсимликлари илдиз тизими атрофига доира шаклда шлангалар ёрдамида суғориш усули ҳисобланади. Бундай усул қўчатларга сарфланадиган сув миқдорлари ҳамда суғориш муддатларини бир неча маротабага қисқартиришга имкон яратади. Дараҳт-бута ўсимликларини автоматик суғориш учун «МастерПроф» компанияси томонидан ишлаб чиқилган доира шаклдаги диаметри 1,5 м шланглардан фойдаланилади.

Тупроқларни намлантириш учун сарфланадиган сув миқдори дараҳт-бута ўсимликлари илдиз тизимининг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ ҳисобланади. Бунда ёш қўчатларни суғориш учун кўчат айланасидаги ҳар бир квадрат метрга 40 литр, 5 ёшдан катта бўлган кўчатларга 60 литр, 10 ёшдан катта бўлган дараҳтларга 40 литр сув сарфланади. Кўчатларни суғориш давомийлиги ва сув сарфи миқдори тупроқнинг механик таркибиغا ҳам боғлиқ ҳисобланади. Агар тупроқ қумоқли ер бўлса ҳар бир суғорища суғориладиган сув миқдорини камайтириб, тез-тездан суғориш талаб этилади.



Автоматик томчилатиб сүгориш усулі

Ушбу доира шаклдаги шланглар 4-5 метр оралиқда әкилган дараҳтларни автоматик усулда сүгоришга имкон яратади.

Яңгидан әкилган Дараҳт-бута құчатларини сүгориш давомийлиги ва миқдорлари

Үсимлик түри	Сув миқдори/сот их	Сүгориш давомийлиги	1 сотих жойни сүгориш вақти/мин	
			Күлдә	Автомат усулда
Дараҳт-бүйи 3 м гача	22 л	5-7 кун	10 дақиқа	2 дақиқа
Дараҳт-бүйи 3 м дан юқори	85 л	5-7 кун	30 дақиқа	6 дақиқа
Бута – бүйи 1 метргача	2 л	1-2 кун	15 дақиқа	3 дақиқа
Бута – бүйи 1,5 метргача	6 л	1-2 кун	30 дақиқа	6 дақиқа

Буз тупроқларда эса аксинча, биринчи сүгориш даврида сув миқдорини ошириб, ёмғирлатиб сүгориш миқдорини камайтириш тавсия этилади.

Асосий заракунанда ва қасалликларга қарши куаш чоралари. Күклемзорлаштирилған худудлардаги бир қанча дараҳт турлари, жумладан нина баргли ва япроқ баргли, бута

ўсимликларнинг санитар ҳолати хозирда хам қониқарсизлигича қолмоқда.

Яшил ҳудудларга асосан баргхўр, сўрувчи, тана заарарқунандалар ва касалликларда занг, қўнғир доғланиш, ун шудуринг, парша, цитоспороз замбуруғлик касалликлар катта зарар келтироқда.

Заракунанда ва касалликлар оммавий қўпайиш йилида ўсимликларни нафақат зарар келтирибгина қолмай, балки уларнинг нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Хозирги кунда тавсия этилаётган қўплаб усуллар ичидаги кимёвий курашга муқобил варианти сифатида микробиологик кураш усуллари ҳам тавсия этилмоқда. Микроорганизмлар ва улардан тайёрланган биопрепаратларни касаллик ва заараркунандаларга қарши қўллашда инсон организми, иссиққон жонзотлар, чанглатувчи хашоратлар умуман олганда атроф мухит учун безарар усуллардан ҳисобланади.

Шаҳар ҳудудидаги ўсимликларда тарқалган асосий заараркунанда ва касалликларга қарши биологик кураш чоратадбирлари: баргхўр заракунандаларга биологик препаратлардан Престиж гектарга 4-6 литр сарф меърида, сўрувчи заракунандаларга Престиж плюс ёки Лепидоцид гектарига 1-1.5 литр сарф меърида мавсум давомида 2-3 маротаба ишлов бериш тавсия этилади.

Занг, қўнғир доғланиш, ун шудуринг, парша, цитоспороз замбуруғлик касалликларига Спорангин гектарига 4-6 литр сарф меърида ёки Фитолавин гектарига 1-2 литр сарф меърида мавсум давоида 2-3 маротаба ишлов бериш тавсия этилади.

Буташ турлари. Дараҳтларни буташ 3 хил мақсадда амалга оширилади: шакл бериш, санитар ва ёшартириш.

Шакл бериш учун буташ қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- Дараҳт шакли ва қўрининиши манзарали ҳолатга келтириш;
 - Дараҳтларнинг ўсиши давомида: электр ёки телефон симларига халақит берган тақдирда; бинолар деразаларига ҳаддан зиёд соя ташлаб турган бўлса; қимматбаҳо манзарали дараҳт ва буталар ўсиб ривожланиши учун ёруғликни тўсиб

турган бўлса; гулзорлар ва чим экилган майдонлар қуюқ сояда қолиб кетган бўлса амалга оширилади.

Санитар буташ қуидаги мақсадларда амалга оширилади:

- Касал, қуриб бошлаган, чала синган, осилиб хунук ҳолатга келиб қолган новдаларни олиб ташлаш;
- Чирмashiб, чалкашиб қийшиқ ўсаётган новдаларни кесиш;
- Дараҳт штамбидаги майда бачкилардан холос этиш;
- Дараҳт новдалари орасидан ёруғлик ва шамол ўтишини тенг тақсимлаш мақсадида новдаларни сийраклаштириш.

Ёшартириш учун буташ қуидаги мақсадларда амалга оширилади:

- Дараҳт физиологик қариш даражасига етганда, яъни у йиллик ўсишдан тўхтаган даврда;
- Дараҳтнинг тепаси ва айрим новдаларнинг учлари қурий бошлаганида;
- Дараҳт манзарали кўринишини йўқотаётганда;
- Болалар майдончасига, пиёдалар йўлакларига, уйларнинг ва хизмат ташкилотларининг чиқиш қисми ва томларига қийшайиб синиб тушиш хавфи бўлган дараҳт новдаларини бартараф этилади.

Шоҳ-шаббаси 5-6 йил давомида шакллантирилади, санитар мақсадида кесишлар ўтказилади. Штамб баландлиги 70-80 см, кучли ўсувчи навларда эса 110-120 см бўлади. Кучсиз новдалар олиб ташланади. Фақат яхши ривожланганлари қолдирилади, улар тананинг ҳамма томонларида жойлашиши керак ва ўсганида бир-бирига ҳалакит бермаслиги лозим. Ушбу новдаларда ярим скелетли ва ўсувчи новдалар шакллантирилади, буларда ҳосил пайдо бўлади.

Дараҳтларнинг ёши ошиб бориши билан, қариши бошланган даврида ва новдаларини совуқ урса ёки қуриб қолса, унда улар кўпроқ калта қилиб кесилади, сўнг шоҳ-шаббаси тўғриланади ва кейинчалик одатдаги кесиш ишларини бажарадилар. Шоҳ-шаббага парвариш ишларини бажаришда биринчи навбатда қуриётган новдалар.

Шоҳ-шаббасини ичига қараб ўсаётганлари, ҳамда бир-бирига тегиб турганлари, кучсизлари кесиб ташланади. Илдиз бўғизидан ўсиб чиқсан бачки новдалар кесиб ташланади. Новдаларни баҳорда,

шираси ҳаракати бошланмасдан олдин кесилади. Чунки бироз кечиктирилса кесилган жойдан шарбатлари оқиб туриши кузатилади.

Агар йўғон новдалар кесиладиган бўлса, у ҳолда кесилган жойга ёғли буёқ суртилади, акс ҳолда кесилган жойда заараркунандалар ва касаллик пайдо бўлиб шохни чиришига олиб келади.

Шох-шаббасига шакл бериш ва зичлантириб экилган турларни ортиқча шохларини кесишида мевачиликда қабул қилинган тавсияларга риоя қилинади. Дараҳт штамбини ва скелетли шохларини қуёш нуридан сақлаш учун кузда уларга сўндирилган оҳак, лой ва гўнг аралашмаси суртилади.

Дараҳтларнинг новдаларини қисман кесиб шакл бериш ўсуви новдаларни кучайтириш билан бирга гуллашига ҳам ижобий таъсир этади. Бунда кесиш учун дараҳтнинг ривожланмаган новдалари танланади. Дараҳтнинг ёши улғайганидаган кейин қари новдалар кесиб, ёш новдаларнинг ўсишига шароит тайёрланади. Бунда қариган новда асосий поядан ярим метр қолдириб кесилади, яъни кесилган жойдан кейинчалик янги новдалар ўсиб ривожланишига шароит яратилади.

Дараҳтга шакл бериш ишлари куз ва қиши ойларида бажарилади. Кесилган жойдан дараҳтнинг шираси чиқиб кетмаслиги учун ёғли буёқ суртиб қўйилади. Кесилган новдадан эрта баҳорда янги новда бачкилари ривожлана бошлайди. Улар орасидан яхши ривожланган 2-3 та новдачаларни қолдириб бошқалари кесиб ташланади.


Оқ тут, қоратут, оқ терак, мажнунтол ва шунга ўхшаш дараҳтларни яшартириш мақсадида эски новдалари қариган даврда қисқартирилади. Бу тадбирларни амалга оширгандан сўнг дараҳт атрофидаги ернинг ҳайдалма қатламига компост билан ишлов бериш, баҳорда эса гўнг шарбати аралаштириб суғориш яхши самара беради.

Хиёбон ва истироҳат боғлардаги манзарали дараҳтларга шакл беришда уларнинг бўйи ва диаметрларининг бир хил кўринишда бўлишига аҳамият берилади, новдалари йирик кўриниш ҳосил қилганларининг учлари чилпиб қатордаги бошқа дараҳтларга тенглаштирилади.

Манзарали буталарга шакл бериш ишлари доимий равища олиб борилиши керак. Бир неча йил қаровсиз қолган, вақтида шакл берилмаган буталарни тартибга келтириш анча қийинчилик туғдиради.

Баъзи ҳолларда “яшил девор” сифатида экилган майда дарахт ёки буталар шакл бериб бўлмас даражада тартибсиз ўсиб кетган бўлса, улар тагидан кесиб ташланади, яъни “яшил девор” вақтинчалик бартараф этилади.

2-3 йил ўтиб улар янги новдалар бера бошлагач шакл бериш яна давом эттирилади, 5 йилдан кейин “яшил девор” қайта тикланади. Бу ишларни эрта баҳорда, яъни ўсимликда шира ҳаракати бошланмасдан олдин бажариш мақсадга мувофиқ. Ёшартирилган дарахт ва буталар ўз вақтида ўғит билан озиқлантириб ва суғориб турилади.



Тўғри *Нотўғри*
4-расм. Йирик шохларни кесиш

Баъзи ҳолларда буталар янги новда чиқариши учун шароит яратиш мақсадида иккита йирик новда қолдирилиб ҳолда яланғоч ҳолатда буталади ва қолдирилган новдаларнинг уни чилпиб ташланади. Бута каттароқ ҳажм бериши учун қолдириладиган новдалар тананинг 2 ёнидан қолдириш мумкин.


Юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирларни нинабаргли дарахтларда қўллаш тавсия этилмайди, чунки улар тўртинчи йилга бориб янги новда чиқаришни тўхтайди, яъни новдалар янгиланмайди. Одатда новдалар ярим қуриган нинабаргли

даражтлар шундай ҳолатда қолдирилади ёки кесиб ташланиб ўрнига янгиси экилади. Дараҳтларни буташ учун энг қулай асбоб токқайчи ҳисобланади. Йирикроқ новдаларни катта қайчи ёки мотоаррада кесиш мумкин.

Чиройли манзара берадиган “яшил девор”лар йиллар давомида шаклланади. Бундай тадбирларни амалга ошириш учун илдиз тармоғи яхши ривожланган, бўйи пастроқ хушманзара берадиган бута кўчатларини танлаш керак.

Манзарали буталарни ёшартириш жараёнида унинг кучини йўқотган пастки шохлари кесиб ташланади. Шундай қилганда буталарнинг кесилмай қолдирилган шохларига кўпроқ ёруғлик ва ҳарорат боради, илдиздан сўриладиган суюқлик ёшроқ новдаларга кўпроқ бориши натижасида кесилмай қолган ёшроқ новдалар яхши ўсиб ривожланади.

Новдаларининг учидан гул чиқарадиган ўсимликларга (япон беҳиси, бодом, форзиция, жасмин, спирея, настарин, ҳинд настарини, сурия атиргули (гибискус) ва б.) шакл бериш ишлари ёз ойларида, яъни гуллаш жараёни якунлангандан кейин амалга оширилади. Уларга шакл беришда новданинг учдан бир қисмигача чилпиб ташланади.




1. Буталишдан олдин 2. Буталгандан кейин
5-расм. Кўчатларни буташ

Бута ўсимликлари тез ўсанлиги сабабли катта дараҳт кўчатларига нисбатан тез-тез буталиб яшартириб турилади. Катта дараҳтлардан мажнунтол, оқ терак, майда баргли жўка, қайрағоч,


пенсильван шумтол, дала заранги, оддий сохта каштан, оддий эман кабиларни бутаб яшартирилса, яхши ўсиб ривожланади. Крим қарағайи, элдор қарағайи, қора қарағай, виргин арчаси, ғарб түяси, шарқ биота (платикладус), пихта каби нина баргли дараҳтларнинг қуриган, кийшайган, бир-бирига халақит берган новдалари кесилади, буларни ҳаддан зиёд кўп буталса қуриб қолиш эҳтимоли бор.

Дараҳтлар бутаб яшартиришнинг мақбул муддати шира ҳаракати бошланишидан олдин февраль-март (ўсимлик суюқлиги ҳаракатга келишидан олдин) ёки октябрь-ноябрь шира ҳаракати тўхтаганидан кейин (қишиги тинч ҳолатга кетишидан олдин) ойлари ҳисобланади. Яшартирилган ўсимликларни парваришилаш тадбирларига ўсимлик атрофи тупроқларини юмшатиш, органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва суғориш ишлари киради. Дараҳт танасини парваришилашда ундаги чириб бошлаган ярасимон доғларни яхшилаб тозалаб, мис купороси ёки дараҳт шохлари кесилганда суриладиган махсус эритма (садовый вар) билан ишлов берилади ҳамда ёғли бўёқ билан пломбалаб қўйилади.



6-расм. Бетартиб (қаровсиз) ўсиб кетган “яшил девор”ни кесиб ташлаб янгидан шакл бериш

Қуриб бошлаган дараҳтларни тамғалаш ишлари ёз ойларида, яъни қуриши яққол сезилган даврда амалга оширилади. Қуриган дараҳтлар кесилгандан кейин ундан тўнка алоҳида олиб ташланади.



7- расм. “Яшил девор” сифатида экилган бутанинг экилгандан шакл бериш жараёнига қадар ўсиш схемаси

Баъзи ҳолларда дарахтдан қолган тўнкалар ёқиб юбориш орқали амалга оширилади. Ҳар иккала ҳолатдан сўнг тўнканинг ўрни тупроқ билан тўлдирилиб текисланади.

Япроқбаргли ва нинабаргли дарахтларга шакл бериш муддатлари (штамб)

№	Асосий дарахт турлари	Штамб баландлиги, м	Буташ муддати
Япроқбаргли дарахтлар			
1	Шарқ чинор	3,0-3,5	Январ-феврал
2	Оддий эман	2,0-3,0	Январ-феврал
3	Пирамидасимон эман	1,5-2,0	Феврал-март
4	Каштан баргли эман	2,5-3,0	Феврал-март
5	Пенсильван шумтол	2,5-3,0	Феврал
6	Суғдиёна шумтоли	2,0-2,5	Январ-феврал
7	Айлант	3,0-4,0	Январ-феврал
8	Гўзал каталъпа	2,5-3,0	Январ-феврал
9	Майда баргли қайрағоч	3,0-4,0	Январ-феврал
10	Садақайрағоч	1,0-1,5	Феврал
11	Йирик баргли қайрағоч	2,5-3,0	Январ-феврал
12	Маклюра	2,5-3,0	Феврал-март

13	Мажнунтол	2,5-3,0	Январ
14	Япон тухумаги	2,0-3,0	Январ-феврал
15	Оқ акация	2,5-3,5	Феврал-март
16	Оқ тут	3,0-3,5	Январ-феврал
17	Қора тут	2,5-3,0	Январ-феврал

Нинабаргли дараҳтлар

18	Қрим қарағайи	3,0-4,0	Феврал
19	Оддий қарағай	2,5-3,5	Феврал
20	Элдор қарағайи	3,0-3,5	Феврал
21	Виргин арчаси	1,0-2,0	Январ-феврал

2.5. Марказий күчалар ва транзит автомобил йўллари атрофини кўқаламзорлаштириш учун тавсия этиладиган баланд бўйли (20-25 м) дараҳт-бута турлари

т/р	Япроқ баргли дараҳт турлари	Бута турлари	Игна баргли дараҳт турлари
1.	Шарқ чинори	Бузина	Веймут қарағайи
2.	Бандли эман	Калина	Қрим қарағайи
3.	Каштан баргли эман	Сурия атиргули	Оддий қарағай
4.	Йирик мевали эман	Хинд настарини	
5.	Пирамидасимон эман	Дрок	Кумиш рангли қарағай
6.	Туркистон заранги	Вейгела	Зангори рангли қарағай
7.	Семенов заранги	Будлея	Шарқ биотаси
8.	Ўткир баргли заранг	Жасмин	Метасеквоя дараҳти
9.	Дала заранги	Магония	
10.	Явор заранги		
11.	Қандли заранг	Бузина	
12.	Суғдиёна шумтоли	Снежноядник	
13.	Пенсильвания шумтоли	Скумпия	
14.	Гузал каталъпа	Япон бересклети	
15.	Оқ акация (робиня)	Оддий жимолост	
16.	Сада қайрағоч		

17.	Бужунқайрағоч		
18.	Силлиқ қайрағоч		
19.	Сохта каштан	Татар жимолости	
20.	Лола дарахти	Вангутта спиреяси	
21.	Қоғоз дарахти	Бумальда спиреяси	
22.	Маклюра	Виргин черемухасси	
23.	Магнолия		
24.	Оқ терак		
25.	Пирамидасимон терак		
26.	Грек ёнғоғи		
27.	Манжурия ёнғоғи		
28.	Пекан ёнғоғи		
29.	Ёввойи хурмо (шарқ хурмоси)		
30.	Недвзвед олмаси		
31.	Карагана		
32.	Кизильник (блестящий)		
33.	Канада бундуки		

**2.6. Махалла күчалари ва бөг ҳиёбонлар атрофинни
күкаламзорлаштириш учун тавсия этиладиган ўрта бўйли
(15-20 м) дарахт-бута турлари**

т/р	Япроқ баргли дарахт турлари	Бута турлари	Игна баргли дарахт турлари
34.	Канда багрянниги	Тангасимон зирк	Шарқ туйяси
35.	Япон сафораси	Форзиция	Ғарб туйяси
36.	Майды баргли жўка	Пироканта	Пакана бўйли қарағай (сосна горная)
37.	Оқ қайин	Наъматак	Қозоқ арчаси
38.	Сарик тол	Доим яшил шамшод	
39.	Мажнун тол	Япон бересклети	
40.	Совун дарахти (Тотим)	Жийда	
41.	Ипак акацияси	Чаканда	

42.	Тиканли дарахт (гледичия)	Япон бәхиси	
43.	Туркистон дўланаси	Бузина	
44.	Гингко билоба	Магония	
45.	Қайирма тут	Скумпия	
46.	Олча	Япон бересклети	
47.	Фундук		
48.	Паст бўйли бодом (Миндаль низкий)		

III. ҲУДУДЛАРНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ-БУТА ТУРЛАРИ

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, дараҳт-бута турларини тўғри танлаш, уларни мақбул муддат ва усулларда экиш, ўсув даврида тўғри парваришлаш агротехникасини қўллаш орқали дараҳт-бута кўчатларининг тутувчанлигини 100 % таъминлаш мумкин.

Айнан шу мақсадда тайёрланган мазкур амалий тавсияномада ҳудудимизга мос, чиройли ва хушманзара берадиган дараҳт-бута турларининг қисқача тавсифи берилган.

Узун бандли арча (*Juniperus oblonga M.B.*). Сарвидошлар оиласига мансуб баландлиги 12-18 м, диаметри 25-40 см келадиган, шох-шаббаси тухумсимон шаклдаги дараҳт. Пўстлоғи қизғиши-сариқ рангда ёки қўнғир-кулранг, юпқа пўст ташлаб туради. Куртаклари 0,3 см узунликда бўлиб, тангачасимон нинабарглар билан қопланган. Новдалари ингичка, уч қиррали. Нинабарглари қиррали, новдада 3 тадан бўлиб, доира шаклида жойлашган. Нинабаргларининг юза томонида ёриқчалар ва мум қавати бўлганлигидан оқиш кўринади, орқа томони ялтироқ, узунлиги 1-1,5 см, эни 0,6-1,5 см гача бўлиб, туби бўғимли. Нинабарглари дараҳтда 4 йилгача сақланади. Узун бандли арча бир уйли, айрим жинсли. Оталик қуббалари бошоқ шаклида, сарғиш бўлиб, соҳта тангачалардан тузилади, бу тангачалар ичида 3-7 тадан чангдон бор. Қуббалар кузда ҳосил бўлади, овал шаклда, бўйи 3-4 мм, сариқ рангда. Оналик қуббалари яшил куртакка ўхшайди ва учта оқиш уруғкуртакли бир нечта тангачадан иборат бўлиб, бир йил илгари ҳосил бўлади.

Узун бандли арча апрел ойида чангланади. Оналик қуббалари шамол воситасида чангланади. Уруғчиси уруғлангандан кейин уруғ тангачалар ўзаро қўшилиб ўсиб, ширали қубба – «юмшоқ мева» ҳосил қиласди. Келгуси йили қуббалар этли бўлиб етилиб, ҳаворанг қаватга ўралиб олади ва қора-кўкиш рангга киради. Ичи 1-3 уруғли, яшил-қўнғир рангли, смолали, ширин этли бўлади. Қубба иккинчи йили етилади. Уруғи чўзинчоқ, қалин пўстли, уч қиррали, қўнғир рангда, смолали безлари бор. Узунлиги 3,5-5 мм, эни 2-3 мм. 1000

дона уруғининг оғирлиги 18 г келади. Бир килограммда 12600 дона уруғ бўлиши мумкин.



I-расм. Узун бандли арча (*Juniperus communis*)

Узун бандли арча уруғдан кўпаяди, лекин уруғи тиним даврига эга эканлигидан жуда секин униб чиқади. Кузда сепилгани келгуси йили баҳорда, баҳорда сепилгани эса кейинги йилнинг баҳорида униб чиқиши мумкин. Уни пархиш қилиб, қаламчадан ва пайвандлаб ҳам кўпайтириш мумкин.

У совуққа ва қурғоқчиликка чидамли дарахт. Қисман соясевар, қумли, оҳакли сернам тупроқда яхши ўсади. Тупроқ шўрига, ҳавонинг ифлосланишига чидамсиз. Бу арча тури табиий ҳолда МДҲ нинг Европа қисмидаги ўрмон минтақасида ва Сибирда тарқалган. У қарағайзорларда иккинчи ва учинчи ярусда ўсади. Ёғочи ўзакли бўлиб смола йўллари йўқ. Танасини арралаганда

гармдори ҳиди келади. Ёғочи пишиқ ва механик хоссалари яхши бўлганлигидан кўп вақтгача зах жойда, сувда чиримайди.

Умуман тупроқни ёғин сувлари билан ювилишдан сақлашда, эрозиянинг олдини олишда ва тупроқ унумдорлигини ва сифатини яхшилашда арчанинг роли катта. Узун бандли арчанинг манзарали шакллари шаҳарларда истироҳат боғларига, хиёбонларга, дам олиш масканларига, кўчаларга экилади, ландшафт қурилишида кенг фойдаланилади. Гуруҳ ҳолда ва хиёбонларга экиш тавсия этилади.

Виргин арчаси (*Juniperus virginiana L.*). Сарвидошлар оиласига мансуб, баландлиги 15-30 м га етадиган дараҳт. Шоҳшаббаси тор тухумсимон ёки ёйик. Бу арча танасининг тубидан шоҳлайди, кейинроқ бу шоҳлари қуриб тушиб кетади. Пўстлоғи кул ёки қўнғир-қизғиши рангда, новдалари ингичка, яшил кулранг, тўрт қиррали. Нинабарлари қарама-қарши жойлашади. Ён новда ёки шоҳчаларидаги барглар майда, тангачасимон бўлиб, узунлиги 1-2 ммдан ошмайди. Баргларида узунчоқ смола безлари бор.

Куббалари 5 мм узунликда, шар шаклида бўлиб, биринчи йили этилади. Унда 1-3 та уруғ ривожланади. Уруғининг узунлиги 3,5-4 мм, эни 2-2,5 мм, юмалоқ тухумсимон, учи ўткир, ялтироқ, қаттиқ қобиқли. 1000 дона уруғларининг оғирлиги 2,5-2,6 г келади. Уруғлар униб чиқиши хусусиятини 3 йилгача сақлайди. Бу арча тури ҳам уруғдан кўпаяди. Уруғи сепилгандан кейин иккинчи йили униб чиқади. Виргин арчаси Шимолий Американинг ғарбий ва шарқий штатларида табиий ҳолда тарқалган. Бу арча тупроқ танламайди, қуруқ тошли, қумли ва ботқоқ ҳамда нам шўртоб тупроқларда ўсаверади. Курғоқчиликка, ҳавонинг ифлосланишига, сояга чидамли. Ёғочи ўзакли, юмшоқ, ҳушбўй ҳидли бўлиб, қалам ишлаб чиқаришда кўп фойдаланилади, шунинг учун унинг иккинчи номи “қалам дараҳти” деб ҳам аталади.

Унинг ёғочидан мебел ва бошқа буюмлар ҳам ясалади. Бу арча тури Қора денгиз бўйларида, Кавказда ва Кримда, Украинада, Белоруссияда, Россия жанубида экилади. Уни ландшафт қурилишида яшил тўсик сифатида якка ёки гуруҳ ҳолида экиш тавсия этилади.



2-расм. Виргин арчаси (*Juniperus virginiana L.*)

Бу арча тури Ўзбекистонга энг муваффақиятли интродукция қилинган арча тури ҳисобланади, Республикаизнинг жазирама ёзи ва қуруқ иссиқ ҳавосига бемалол чидайди, шакл берилишига мослашувчан. Тошкент шаҳридаги кўкаламзорлаштириш мақсадида экилган арчанинг 80% га яқини шу арча турига тегишлидир. Ландшафт қурилишида кенг фойдаланилади.

Сабина арчаси (*Juniperus Sabina L.*) Сарвидошлар оиласига мансуб бу арча турининг тарқалиш ареали Россиянинг Ўрта Дон ва Жигули тоғлари, Оренбург вилояти, Тарбагатай, Сибир ва Қозогистоннинг дашт минтақасидаги унча баланд бўлмаган тоғлари билан чегараланган. Бу арча Олтой, Саян тоғларида, Марказий Осиё, Крим ва Кавказнинг шимолий қисмидаги тоғларда ҳам ўсади.

Сабина арчаси Марказий Осиёдаги арчазорларнинг юқори тарқалиш чегараларида денгиз сатхидан 2800-3200 м баландликларда ҳам ўсади. Баландлиги 1,5 м гача, баъзан 5 метргача кичик дараҳт бўлиб, кўп ҳолларда ер бағирлаб ўсувчи шох-шабба ҳосил қиласи. Нинабарглари тангачалар билан қопланган, 1-2 мм узунликда бўлиб, новдада 3 йилгача ўсади.

Сабина арчаси апрел-май ойида гуллайди. Икки уйли ўсимлик ҳисобланади, қуббалари 8 мм, энига кулранг-қора рангда, оқишиш-күкиш ғубор билан қопланган 2-6 мм мева бандида осилиб туради. Бу арчанинг илдиз тизими тупроқнинг юза қисмида жойлашади, тупроққа ва намга кам талабчан. Совуққа чидамли, секин ўсади. Бу тур асосан уруғидан ва қаламчаларидан кўпаяди.



З-расм. Сабина арчаси (*Juniperus Sabina L.*)

Нинабарги, қуббаси ва шохларида захарли хоссаларга эга эфир мойи мавжуд. Бу арча тури бошқа турлар билан арчазорлар ҳосил қиласади, улар сувни сақлаш, тупроқни ҳимоялаш каби муҳим ўрмонмелиоратив функцияларни бажарадилар. Ландшафт композицияларини барпо этишда кенг қўлланилади.

Ғарб туяси (*Thuya occidentalis L.*). Баландлиги 10-12 м, диаметри 1 м келадиган Сарвидошлар оиласига мансуб дарахт. Айрим дарахтларининг баландлиги 30 м гача ҳам етади. Шохшаббаси пирамидасимон ва жигарранг. Катта ёшида танаси пўстлоғини ташлаб туради. Бирламчи ва иккиламчи новдалари ясси бўлиб, ясмиқчали. Улар учинчи йили цилиндр шаклига киради. Шохшаббаси зич жойлашган.

Барглари ёзда тўқ яшил, қишида яшил-кўнғир рангда бўлади, смола безлари йўқ. Юқори новдалардаги барглари ўткир учли,

қаттиқ, ён новдаларидагиси түмтоқ ва овал шаклда бўлиб, новдага ёпишиб жойлашади. Улар дараҳтда 2-3 йилгача сақланади. Фарб туяси бир уйли ўсимлик. Қуббалари 5-6 жуфт тангачадан иборат бўлиб, чўзиқроқ-тухумсимон, бўйи 10-15 мм. Улар кузда етилади, бу вақтда тангачалари очилиб, ичидан қанотчали уруғлари тўкилади. 1000 дона уруғининг оғирлиги 1,4 г келади. Туя уруғидан яхши кўпаяди. Қаламча ва пайванд қилиб, пархиш йўли билан ҳам кўпайтириш мумкин. Олти ёшида чанглана бошлайди. Унумдор ерларда яхши ўсади. Унумсиз ерда барглари сарғаяди. Қурғоқчиликка ҳам, совуққа ҳам чидамли. Фарб туяси Қора денгиз бўйларидаги шаҳарларда кўп ўстирилади.



4-расм. Гарб туяси (*Thuja occidentalis L.*)

Шунингдек, у Сибирда ва Узоқ Шарқда ҳам учрайди. Япониянинг Хондо оролида денгиз сатҳидан 1000-1800 м баландликдаги ўрмон минтақаларида табиий тарқалган. Бу ерларда йирик ўрмонзорлар ҳосил қилган. 100 йилгача яшаши мумкин. Европага туя XVI асрда келтирилган. Ёғочи ўзакли, смолосиз, юмшоқ, енгил пўстлоғи ва баргига С витамин бўлиб, у цинга касаллигига даводир. Шунинг учун уни «ҳаёт дараҳти» деб ҳам аташади.

Ғарб түяси ҳавонинг ифлосланишига чидамли, яшил тўсик яратишда қулай дараҳт ҳисобланади. Унинг манзарали шакллари бор. Туяни якка, гурӯҳ ёки қатор қилиб экиш тавсия этилади. Лекин ниҳоллари ёш вақтида иссиқдан заарланади, шунинг учун соя жойларга экиш мумкин.

Шарқ биотаси, Платикладус (*Biota orientalis Endl.*). Сарвидошлар оиласига мансуб дараҳт ёки бута, баландлиги 10 метргача етади. Танасининг пўстлоғи тўқ қулранг, пўст ташлаб туради, шоҳ-шаббаси пирамида шаклида бўлиб, вертикал ўсадиган новдалардан тузилган. Новдалари яssi, пишиқ, яшил рангда. Барглари нинасимон, тангачасимон бўлиб, учи ўткир, безли, тиник яшил рангда. Шарқ биотаси бир уйли ўсимлик.



5-расм.Шарқ биотаси, Платикладус (*Biota orientalis Endl.*)

Асосан уруғидан кўпаяди, қаламчадан ҳам кўпайтириш мумкин. У секин ўсади, соясевар, иссиқсевар, қурғоқчиликка чидамли, катта ёшида совуққа ҳам чидамли, газларга чидамли. Ҳар хил тупроқда ўсаверади. Лекин оҳакли қумлоқ тупроқларда яхши ўсади. Илдизи бақувват ривожланган. Шохлари эгилувчан бўлиб, шамол таъсиридан ва қор босиб қолишидан заарланмайди.

Шарқ биотасининг қалин, шарсимон шох-шаббали ва эгилиб ўсувчи шакллари бор. Баъзилари пакана, бошқалари баланд бўйли, нинабарглари яшил зангори, оқ-сарғиш рангда бўлиб, жуда чиройли. Шарқ биотаси Шимолий Хитойнинг тоғли ҳудудларида ва Ҳисор тоғининг Тўпаланг дарёси қирғоқларида табиий тарқалган. МДҲ нинг жанубий туманларида шаҳар ва истироҳат боғларида кўплаб ўстирилади. Ландшафт қурилишида шарқ биотасини якка ёки гурух қилиб экиш тавсия қилинади.

Бу манзарали ўсимлик Ўзбекистон шароитларида яхши ўсади, айниқса унинг компакт шох-шаббали шакли ландшафт қурилишида кенг қўлланилади. У аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда ҳам кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Крим қарағайи (*Pinus Pallasiana Lamb.*). Баландлиги 35 м, диаметри 50 см га етадиган дараҳт. Танасининг пўстлоғи тўқ кулрангда, шоҳлариники эса қизғиш рангда. Куртаклари конуссимон, учи ўткир, смола билан қопланган. Нинабарглари тўқ яшил, қаттиқ, ялтироқ, учи ўткир, узунлиги 8-16 см бўлиб, оддий қарағайниги нисбатан икки марта узун. Улар новдада 2 тадан тўда бўлиб жойлашади. Қуббаси жуда йирик. Май ойида чангланади.

Уруғлари қуббаси чангланиб уруғлангандан сўнг иккинчи йилда етилади. Етилган қубба сариқ-қўнғир рангда, узунлиги 5-10 см, оддий қарағайниги нисбатан йирик бўлади. Уруғи ҳам йирик, узунлиги 6 мм, қанотчали. Бу қарағай ҳам уруғдан кўпаяди ва очик ерларда яхши ўсади. 500-600 йилгача яшashi мумкин. Ўқ ва ён илдизлари яхши ривожланади.

Бу қарағай совуққа ҳам, иссиққа ҳам чидамли. У соясевар бўлиб, оддий қарағайга нисбатан унумдор тупроқда яхши ўсади, қуруқ оҳакли, қумли ва қумлоқ тупроқли ерларда айниқса яхши ўсади. Ёғочи пишиқ, смолали, ўзаги сариқ ёки қизғиш, атрофии сариқ ранглидир.

Қарағай халқ хўжалигида като аҳамиятга эга. Унинг ёғочидан кемасозликда ва турли бинокорлик ишларида фойдаланилади. Унинг смоласидан скипидар ва канифол олинади. Қарағай ихота дараҳтзорлари барпо қилиш ва кўкаламзорлаштириш мақсадларида кўплаб экиласди.



6-расм. Қрим қарағайи (*Pinus Pallasiana Lamb.*)

У Қрим, Кавказ тоғларида табиий ҳолда учрайди. Бу худудларда оддий қарағай ва оддий әман билан биргаликда үсади ёки айрим табиий қарағайзорлар ҳосил қиласы. Украинада күкаламзорлаштириш мақсадларида күплаб экилади. Ўзбекистонда Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятлари ҳамда Пискент шаҳрида 100 ёшдан ошган қрим қарағайи дарахтлари ҳозирда ҳам яхши ўсиб ривожланмоқда. Аҳоли туар жойларини күкаламзорлаштиришда ва ландшафтлар барпо этишда кенг қўлланилади.

Глиптостробуссимон метасеквойя (*Metasequoia glyptostroboides Hu et Cheng.*). Таксодийдошлар оиласига мансуб йирик дарахт бўлиб, баландлиги 50 метрга, диаметри 2 метрга етади. Шох-шаббаси тухумсимон. Пўстлоғи жигар рангда. Шохлари пўстлоқларини ташлаб туради. Новда ва барглари қарама-қарши жойлашади. Метасеквойяning новдалари узун ва калта бўлиб, ён калта новдалари яшил рангда, қишида барглари билан бирга тўкилиб кетади.

Метасеквойя дарахти симподиал типда шохланади. Шунга кўра унинг шох-шаббаси ён томонга қараб үсади. Ён шохлари тўғри

бурчак ҳосил қилиб жойлашади. Куртаклари тухум шаклида, йирик, жигарранг, юпқа тангачалар билан үралган, туксиз, күпинча 2 тадан жойлашади. Нинабарглари 0,8-1,25 см гача, майин, нозик бўлиб, новдада қарама-қарши жойлашади. Уларнинг юз томони тўқ яшил, орқа томони зангори яшил рангда бўлиб, силлиқ тузилган, бандсиз. Метасеквойя бир уйли ўсимлик, б ёшида балоғат ёшига етади ва чангланади. Оталик қуббалари новдасининг учидаги барг қўлтифида жойлашади. Улар 5 мм узунликда бўлиб, шингилча ҳосил қиласади.

Гулён барглари бут шаклида жойлашган. Гулбанди 3 мм узунликда, микроспорофили калта бандчали. Оналик қуббалари биттадан жойлашади, узунлиги 8 мм, гулёнбарглари ҳам буларда бутсимон жойлашган, улар овал ёки учбурчак шаклида. Гулбанди 4 мм узунликда бўлиб, баргсиз. Қуббалари тўқ жигаррангда, новдада осилиб туради. Улар биринчи йили етилади.



7-расм. Глиптостробуссимон метасеквойя (*Metasequoia glyptostroboides Hu et Cheng.*)

Кубба тангачалари қарама-қарши жойлашади, ҳар қайси тангача тагида 5-9 тадан уруг ривожланади. Уруғи яssi, юпқа, тухумсимон бўлиб, учки томони бир оз ўйик.

Метасеквойя уруғидан осон кўпаяди. У ўқ илдиз ва ён илдизлар чиқаради. Уни қишки қаламчасидан кўпайтириш мумкин.

Метасеквойянинг қолдиқлари Япония ва Хитойда учламчи давр қатламларидан топилган. Маълумотларга кўра, унинг вакиллари бўр ва учламчи даврдаги ўрмонларда кенг миқёсда ўсганлар ва йирик ўрмон массивлари юзага келтирганлар. Ҳозирги пайтда Марказий Хитойнинг ғарбий туманларида сақланиб қолган ва ўша ҳудудда кўп ўсади. У табиатда тоғ қияликларида, дарё қирғоқларида, қумоқ, нордон тупроқларда ўсади.

Метасеквойя Хитойда шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кўп экилади. Совуқса ва қурғоқчиликка чидамли. Ёғочи сифатли. Кейинги йилларда метасеквойя Тошкент шахрини кўкаламзорлаштиришда ва ландшафт қурилишида кенг қўлланилмоқда.

Оддий сохта каштан (*Aesculus hippocastanum L.*). Баландлиги 40 м га етадиган йирик дараҳт бўлиб, танаси кам шохланган, пўстлоғи қалин, бўйига ёрилган, қўнғир-жигар рангда. Новдалари қиррали, аввал тукли, яшил-қизғиш рангли, сўнг қўнғир-қизғиш рангга киради, барглари спирал шаклда жойлашади, кузда тўкилиб кетади. Банди калта, барг пластинкаси кенг ланцетсимон, дағал, четлари йирик тишчали, патсимон томирли.

Ён баргчалари ингичка, чўзинчоқ бўлиб, тез тўкилиб кетади. Барглари тўлиқ ёзилиб бўлганда (май-июн ойларида) гуллайди. Гуллари йиғилиб, 35 см узунликда бўлган гултўплами ҳосил қиласди. Бу бошоқда ҳам чангчи, ҳам уруғчи ёки фақат чангчи гуллари ривожланиши мумкин.

Сохтакаштан одатда бир уйли ўсимлик бўлса-да, икки уйли туплари ҳам учрайди, бу пайтда бирида фақат чангчи, иккинчисида уруғчи гуллар бўлади.

Сохтакаштанинг гуллари шамол воситасида ва ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Уруғчи гуллари 1-3 тадан бўлиб, жойлашади. Улар тўрт ўрама ичида яширин ётади, гуллаш пайтида эса фақат тумшуқчаси ва қисман гулқўрғони кўриниб туради. Нектарли ўсимлик ҳисобланади.

Меваси октябр ойининг бошларида етилади ва ноябр ойи давомида ерга тўкилади. Бу вақтда қаттиқ тиканли шарсимон ўрамаси 4 қисмга ажралади. Ўрама ичида 1 тадан 3 тагача ёғоч бўлади. Меваси юпқа ёғочланган, дағал, жигар рангда, ялтироқ, туб

қисмida рангли доғи бор. Ёнғоғи шарсимон, тухумсимон бўлиб, ёнидан эзик. Уруғи эндоспермасиз, эмбриони оқ-сариқ рангда, уруғ палласи серэт, пластик моддаси жуда кўп.



8-расм. Оддий сохта каштан (*Aesculus hippocastanum L.*)

Сохта каштан ёш вақтида тез ўсади. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, ерга чукур кириб боради. Тўнкасидан кўкаради, кўп йил яшайди, 1000 йиллик дарахтлари қайд этилган. У Кавказнинг ғарбий ҳудудидаги ўрмонзорларида, Кичик Осиёнинг шимолий қисмida ва Ўртаер денгизи атрофидаги ҳудудларида асосан Болгария ва Грецияда кенг тарқалган. Шимолий Кавказнинг тоғ қияликларида, Оқдарё водийсида ўрмонзорлар ҳосил қиласди.

Сохта каштан Ўзбекистонда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда истиқболли тур ҳисобланади. Сохта каштан истироҳат боғларига, хиёбонларга, дам олиш масканларига экиш учун тавсия этилади. Ландшафт қурилишда фойдаланилади.

Оддий эман (*Quercus robur L.*). Баландлиги 35-40 м, диаметри 1-1,5 м га етадиган дарахт. Ўрмон шароитларида танаси тўғри ўсади, шох-шаббаси қалин.

Очиқ ерда ўсганда шохлари ён томонга ўсиб, кенг шох-шабба ҳосил қиласи. Унинг пирамидасимон, шарсимон шох-шаббали, мажнунтол сингари манзарали шакллари бор.

Пўстлоғи бўйига ёрилган, тўқ қулрангда бўлади. Ёш шохлари ва новдалари ҳам қўнғир-қизғиши рангда, қиррали. Куртаклари овал шаклда, йирик бўлиб, новданинг учида доира бўлиб жойлашади. Юқориги куртаклари ўтқир учли, ёнидагиси йирикроқ. Барглари оддий тузилган, спирал шаклда, кузда тўкилиб кетади. Барг пластинкаси тескари тухумсимон, патсимон бўлакли, бўлаклари юмалоқ учи тўмтоқ.

Баргларининг тубида «қулоқчалар» бор. Дастрлаб барглари тукли бўлади, сўнг тук фақат уларнинг орқа томонидаги томирларда сақланиб қолади. Томирлари патсимон, пластинкаси бўлаклари ва четларининг кесиги ҳар хил бўлади.



9-расм. Оддий эманнинг (*Quercus robur*) пирамидал шакли

Ёнғоқ мевалари узун бандли бўлиб, сентябр ойидан бошлаб, айниқса, кузги совуқдан кейин тўкила бошлайди. Улар ҳар хил шаклда ва йирик-майда бўлиши мумкин.

Оддий эманнинг илдизи бақувват ўқ илдиз бўлиб, ерга 10-12 м га яқин кириб боради. Шамолга чидамли, 500-600 йилгача яшайди. Совуққа ҳам чидамли дараҳт, ёруғсевар ва ҳар хил тупроқда ўса олади, лекин нам тупроқ унинг ўсиши учун энг қулай шароитдир.

Шаҳар шароитларида газга ва қуруқ иссиққа чидамли. Эманднинг шох-шаббаси пирамидасимон шакли шаҳар шароитларида йўл чеккаларига, тротуарлар бўйлаб хиёбонлар барпо этишда кенг қўлланилади. Ландшафт қурилишида хиёбонларга, истироҳат боғларига, дам олиш масканларига ва сув хавзалари бўйлаб экиш тавсия этилади.

Ўткир баргли заранг (*Acer platanoides L.*). Баландлиги 30 м га етадиган катта дараҳт. Шох-шаббаси қалин, кенг, юмалоқ шаклда, барглари йирик панжали, ўткир учли, беш бўлакли, бўлакларининг учи юмалоқ-тўмтоқ. Бу заранг барг ёзишдан олдин –апрел ойида гуллайди, гуллари сариқ-яшил, айрим жинсли бўлади.

Меваси сентябр ойида етилади ва узок вақт дараҳтда сақланади. Уруғи йирик, яssi тузилган, қанотчалари бор. Уруғлари экишдан аввал 3 ой давомида стратификация қилинади, сўнг кўчатзорга сепилади. Табиий ҳолда кузда тўкилган уруғлари эрта баҳорда униб чиқади. Ўткир баргли заранг ёш вақтида тез ўсади, сўнг ўсиши секинлашади.



10-расм. Ўткир баргли заранг (*Acer platanoides L.*).

Илдиз тизими ўқ илдиз типда бўлади. Асосий илдизи ерга чуқур кирмайди, бироқ бақувват ён илдизлари ниҳоятда сертармоқ бўлади. Бу дараҳт тўнкасидан кўкаради, пархиш йўли билан

кўпаяди. Ўткир баргли заранг МДҲ нинг Европа қисмидаги ўрмонларда кенг тарқалган. МДҲ дан ташқари, у Скандинавияда, Ўрта Европада, Ўртаер денгизи атрофларида, Болқон ярим ороли ҳудудларининг жанубида ҳамда Кичик Осиёда тарқалган. У япроқли ва аралаш ўрмонларда бошқа дараҳтлар билан бирга ўсади. У етарли даражада совуққа чидамли. Баргининг йирик шохшаббасининг қалин бўлиши унинг сояга чидамлилигини билдиради. У ер танлайди, шўртоб тупроқда ўса олмайди. Нам тупроқни хохлайди, қурғоқчиликка чидамли.

Зарангнинг ёғочи қимматбаҳо ҳисобланади. У тиник сариқ ёки қизғиши рангда, оғир, қаттиқ бўлади. Гули нектарли. Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлашибди катта рол ўйнайди, чунки унинг барги ва юмалоқ шох-шаббаси унга чиройли тус беради. Ўрмон ландшафтшунослигига ва ўрмон мелиорацияси ишларида ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Хиёбонлар, истироҳат боғлари ва дам олиш масканларига кўплаб экилади.

Кумушсимон заранг (*Acer saccharinum L.*). Баландлиги 40 м, диаметри 1,5 м га етади. Пўстлоғи кул ранг, барглари уч бўлакли бўлиб, узунлиги 14 см, туб томони ўроқсимон тузилган. Бўлаклари яшил, туксиз. Гули қўнғироқ шаклда, узунлиги 5 мм, яшил-сариқ бўлиб, йиғилиб соябонсимон тўпгул ҳосил қиласи. Меваси қанотчали бўлиб, узунлиги ёнғоқчаси билан биргаликда 4 см келади, туксиз. Бу заранг уруғдан яхши кўпаяди. Илдиз тизими ер юзига яқин жойлашади. Қуёшсевар дараҳт ҳисобланади. Кузда барглари тиник сариқ, пушти, қизил рангга кирганда жуда чиройли кўринади.

Ёғочи жуда қаттиқ ва пишиқ бўлади. Бу заранг Шимолий Американинг АҚШ ва Канада давлатларининг Шарқидаги ўрмонларда ўсади.



11-расм. Кумушсимон заранг (*Acer saccharinum L.*)

Бу зарангнинг манзарали шакллари бўлиб, улар кўкаламзорлаштиришда ва ўрмон ландшафтшунослигида кенг қўлланилади. Кумушсимон заранг Тошкент шароитларида яхши ўсади, шаҳар шароитларига яхши мослашади, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва дам олиш масканларига қўплаб экилади.

Сада қайрағоч (*Ulmus densa Litw.*). Бу қайрағоч тури шарсимон зич шоҳ-шаббасига эгаманзарали дараҳт, шоҳ-шаббаси кенг, қалин пирамида шаклида, пўстлоғи ёрилган қора рангда, барглари қалин, чўзинчоқ, тухумсимон, чети икки қатор тишчали. Баландлиги 12-14 метрга етади. Бу қайрағоч Марказий Осиёда тоф дарёлари водийсида ўсади. У қадимдан аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг экилиб келинган.

Боғларда катта ариқлар бўйига экилади. Қурғоқчиликка чидамли дараҳт. МДҲ мамлакатлари Европа қисмининг Жанубий ҳудудларига ҳам манзарали дараҳт сифатида экиш мумкин.



12-расм. Сада қайрағоч (*Ulmus densa* Litw.).

Сада қайрағочдан Тошкент шаҳри ва бошқа вилоят, шаҳарларда қўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилмоқда, ландшафт объектларида манзарали дараҳт сифатида кўплаб экиласди.

Альбиция ёки ипак акацияси (*Albizzia julibrissin* Durazz.). Ўртacha баландликдаги дараҳт ўсимлиқдир, унинг баландлиги 10-12 м га, диаметри 40 см га етади. Шох-шаббаси соябон шаклда бўлиб, ниҳоятда чиройли. Шохлари қулранг, ясмиқчалари кўп, бир йиллик новдалари яшил, майда қулранг ясмиқчали, туксиз.

Барглари қўш патсимон мураккаб тузилган, баргчалари майда, ланцетсимон, узунлиги 8-12 мм, эни 0,5-0,6 мм, ҳар иккала томони яшил, туксиз. Май ойининг охириионнинг бошларида гуллайди. Гуллаш даврида дараҳт жуда хушманзара кўринишга эга бўлади. Гули нектарли. Меваси ясси дуккак. Ипак акациясининг тавсифли белгиларидан бири шуки, кечқурун қуёш ботгандан кейин барглари йигилади ва осилиб туради, эрталаб қун ёришгач яна ўз ҳолига қайтади. Ёғочи қаттиқ, сариқ-жигар рангда, яхши рандаланади, жуда чиройли, шунинг учун мебел саноатида ишлатилади, ундан турли асбоблар ясалади.



13-расм.Альбиция ёки ипак акацияси (*Albizzia julibrissin Durazz.*)

Ипак акация субтропик минтақа ўсимлигидир. МДҲда Озарбайжоннинг жанубий ҳудудларида тоғ текисликларида ўсади. Пўстлоғида 8% га яқин ошловчи моддалар бор. Қора денгиз бўйидаги шаҳарларда кўкаламзорлаштириш мақсадларида кўп экиласди. Тошкент шаҳрининг хиёбонларида, паркларда уни учратиш мумкин, лекин унчаликкўп тарқалмаган. Альбиция ёш вақтида қаттиқ совуқдан заарланади.

Лекин бизнинг шароитда қаттиқ совуқ кам бўлади, шунинг учун уни кенг миқёсда шаҳарларни ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш учун экиш тавсия қилинади. Уни якка ёки гурух қилиб экиш мақсадга мувофиқ. Шаҳар шароитларига чидамли. Ландшафт объектларини барпо этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Канада багрянниги (*Cerciscanadensis L.*). Баландлиги 10-15 метрга етадиган дарахт ўсимлиги бўлиб, барглари оддий, кенг, бутун, ўйиқли ёки икки бўлак, учта ёки кўп томирли бўлиб тузилган. Ён баргчалари тангачасимон бўлиб, тез тўкилиб кетади.

Гуллари пушти-сиёҳ рангда. Дараҳт барг ёзишдан олдин гуллайди, гуллари йиғилиб, буйраксимон шингилча ҳосил қиласи, гули нектарли.



14-расм .Канада бағрянниги (*Cercis canadensis L.*)

Меваси дуккақ, чўзинчоқ, ясси-эзик, ингичка, икки паллали. Бу дараҳтнингновдалари силлиқ, қўнғир рангда бўлиб, барвлари новдасиданавбат билан жойлашади, улар оддий, юмалоқ ёки буйраксимон бўлиб, учи юмалоқ ёки ўйик, туби юраксимон, чети тишчасиз, туксиз, бўйи 5-8 см, эни 7-12 см.Барг банди узунлиги20-30 мм, барг пластинкасида5-7 та асосий томири бор. Гуллари бинафша рангда, тўпгули катта шингилча ҳосил қиласи.

Меваси узун, ясси дуккақ, юқори чоки қанотчали.Ёғочи қаттиқ, оғир, ўзакли бўлиб, ўзаги яшил-сариқ, тевараги оқ-пушти рангда. Бу дараҳт уруғидан кўпаяди. Уруғи униб чиқиши хусусиятини 2 йилгача саклайди. Манзарали дараҳт сифатида Кримда кўп экилади. Россия ва Украина нинг жанубий ҳудудларида манзарали дараҳт сифатида аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилади. Иссиққа, қурғоқчиликка жуда чидамли. Тошкент шаҳри шароитларида яхши ўсади, хиёбонларда, истироҳат боғларида ва дам олиш масканларида ҳамда ландшафт қурилишида фойдаланиш учун истиқболли тур ҳисобланади.

Япон тухумаги (*Sophora japonica L.*). Баландлиги 10-20 м, шох-шаббаси ёйик, шарсимон, ниҳоятда гўзал дараҳт. Пўстлоғи катта ёшида бўйига ёрилган бўлади ва қорамтири тусга киради, шохи ва новдаларининг пўстлоғи силлиқ ва тўқ яшил бўлиб, ясмиқчалари бор. Барглари новдаларида навбат билан жойлашади, тоқ патсимон тузилган бўлиб, 7-17 та тухумсимон баргчалардан иборат.

Япон тухумаги июнъ ойидан август ойигача гуллайди, гуллари оқ сариқ, капалаксимон бўлиб, новдасининг учида шингил рўвак ҳосил қиласи. У нектар чиқариб турадиган ўсимлик. Дуккаги октябр ойида етилади, у дараҳтда осилиб туради, серэт, сирти чўтири, паллаларга ажралмайди. Елимсимон суюқлик билан тўла, аввал яшил бўлиб, сўнг тўқ қизил рангга киради. Уруғи қора бўлиб, ловияга ўхшаб кетади. У баҳорда сепилса, 10-15 кундан сўнг униб чиқади. Ўқ ва ён илдизлари бақувват бўлиб ривожланади, тўнкасидан кўкаради.



15-расм. Япон тухумаги (*Sophora japonica L.*)

Япон тухумагининг ёғочи ўзакли, қаттиқ. Мевасидан сариқ ранг бўёқ олинади. Бу дараҳт Япония ва Хитойда табиий ҳолда ўсади. МДҲ га бундан 150 йил илгари келтирилган. Совуқдан заарланади, шунинг учун у кўпроқ Россиянинг ва Украина нинг жанубий

худудларида, Қримда ва Кавказда экилади. Ёргесвар ўсимлик, ер танламайди, шұртоб тупроқда ҳам ўсаверади, қурғоқчиликка чидамли.

Япон тухумаги хушманзара дарахтлардан бири ҳисобланади. Чунки чиройли гуллайди. Тупроқни ёмғир ювиб кетишидан сақлаш учун уни қияликларга экиш муҳим аҳамиятта эга. Тошкент шахри шароитларида ёзниң куруқ иссигига ва қурғоқчиликка чидамли. Ландшафт қурилишда истиқболли түр ҳисобланади. Ахоли яаш жойларини күкаламзорлаштириш ишларида кенг құллаш тавсия этилади.

Гүзал катальпа (*Catalpa speciosa Ward.*). Катта дарахт бўлиб, баландлиги 30 м, диаметри 1,5 м га етади. Танаси тик ўсади, шоҳшаббаси пирамида шаклида ёки кенг тарвақайлаган бўлади. Танаси ва шоҳларининг пўстлоғи қизил-қўнгир, бўйига энли ёрилган.

Барглари кенг-овал шаклда, гоҳо чўзиқ, узунлиги 15-30 см га етади, учи ўткир, туви тўмтоқ, чети тищчали. Юз томони тиник яшил, туксиз, орқа томони сертук, ҳидсиз. Барг банди узунлиги 10-15 см. Гуллари кам гулли рўвак ҳосил қиласи. Рўвагинииг узунлиги 20 см га етади.

Кўсакчасининг узунлиги 45 см, эни 1,5 см, пўсти жуда қалин, уруғи юмалоқ, калта тукли. Гүзал катальпанинг ёғочи оқ, енгил, ниҳоятда пишиқ, намда чиримайди, шу сабабли ундан шпал ва телеграф устунлари учун фойдаланилади. Катальпа жуда хушманзара дарахт ўсимлик, шу сабабли Шимолий Америкада ҳам у паркларга ва кўчаларга кўп экилади.

Бу дарахт тури табиий ҳолда Шимолий Америкада Миссисипи ва Миссури, Огайо дарёлари бир-бирига қўшиладиган ҳудудда, Теннеси штатида ва Шимолий Арканзаснинг ғарбий ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистонга 1920 йилларда келтирилган. Чиройли дарахт бўлганидан Республикамизда ахоли яаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кўп экилмоқда. Ландшафт қурилишида хиёбонлар, истироҳат боғларида, дам олиш масканларида, автотрассалар чеккаларида, сув хавзалари ёнларида солитер ва гурух ҳолда экиш тавсия этилади.



16-расм.Гўзал каталъпа (*Catalpa speciosa*Ward.)


Йирик гулли магнолия (*Magnolia grandiflora L.***).** Магнолия барглари доим яшил ёки тўкилиб турадиган ниҳоятда гўзал дараҳтдир. Унинг баландлиги 25-30 метрга етади.

Барглари оддий, серэт, чети текис бўлади. Гуллари биттадан, йирик, диаметри 10-25 см га яқин, оқ ёки пушти-сиёҳранг, ниҳоятда хушбўй. Гулқўрғонда барглари 8-12 та бўлиб, ҳар қайси доирасида уттадан жойлашади. Чангчиси ва уруғчиси чексиз кўп, улар спирал шаклда жойлашади. Магнолия ҳашоратлар ёрдамида чангланади.

Меваси 1-2 уруғли данакча-резавор мевадир. У Шимолий Америкадан тарқалган. Кавказ ва Крим шароитида доим яшил ҳолида ўсади.

Республикамизнинг иссиқ ва қуруқ шароитларига мослашган бўлсада, баъзи йиллари магнолия қурғоқчиликдан ва қишиги совуқлардан заарланади.

Магнолия чиройли гуллайдиган дараҳт бўлганлигидан республикамизнинг марказий ва жанубий туманларида аҳоли турар жойларини кўкаламзорлаштириш учун кўплаб экилмоқда, ландшафт қурилишда истиқболли тур ҳисобланади.



17-расм. Йирик гулли магнолия (*Magnolia grandiflora L.*)

Тошкент шаҳрида хиёбонларга, истироҳат боғлариға ва дам олиш масканларни безаш учун экиш тавсия этилади.

Лириодендрон ёки лола дарахти (*Liriodendron tulipifera L.*). Баландлиги 30 метрга, диаметри 2 метрга етадиган хушманзара дарахт. Танасининг пўстлоғи ёрилган, типик кулрангда, шоҳшаббаси овал ёки кенг пирамида шаклида. Новдалари қўнғир кулрангда, икки ёшидан бошлаб, оқиш пўст ташлаб туради.

Барглари оддий лирасимон шаклда, яшил зангори рангда, новдаларида навбат билан жойлашади. Гуллари лоланинг гултожисига ўхшайди, узунлиги 5 см, оч сарик ёки пушти яшил рангда. Меваси қубба шаклида бўлиб, кузда етилади. Кузда барглари сарғайиб тўкилади. Бу дарахт 250 йилгача яшайди.

Қуббасимон меваси қанотчага ўхшаш қисмлардан ташкил топган бўлиб, ҳар қайси қанотча ичида уруғ жойлашади. Меваси кузда етилгач, қубба тўкилиб, қанотчалари ажралади ва шамол воситасида тарқалади. Сепишдан олдин уруғини стратификация

қилиш лозим. Уnihоятда чиройли дарахт бўлганлиги учун кўкаламзорлаштиришда кенг экилади.



18-расм. Лириодендрон ёки лола дарахти (*Liriodendron tulipifera L.*)

Лола дарахти кейинги йилларда кўкаламзорлаштириш мақсадларида кўплаб экилмоқда, ландшафт қурилишда истиқболли тур ҳисобланади. Истироҳат боғларига, хиёбонларга ва маъмурий бинолар олдига экиш тавсия этилади.

Гингко билоба (*Ginkgo biloba L.*). Гингко билоба моноподиал типда шохланадиган сийрак шох-шаббали йирик дарахт, баландлиги 30-40 метр, диаметри 1,5-4,5 метрга етади.

Танаси оқиш, кулранг тусда. Новдаси узун, шохчалари калта, оқиш кулранг. Куртаги конуссимон шаклда, қўнғир рангда. Барглари узун бандли, барг пластинкаси елпифизсимон шаклда, эни 5-10 см, чети чуқур ўйиқли, 2-3 бўлмали, қалин пўстли, туксиз, оч яшил рангда. Барг бандининг томирлари дихотомик шохланган, барглари новдада спиралсимон, шохда эса 2-5 тадан тўп-тўп бўлиб жойлашади. Пояси ва илдизи анатомик тузилиши жиҳатидан нинабарглиларникига ўхшайди.

Гинкго дарахти -30°C гача совуқقا чидайди. Гинкго уругидан ва қаламчасидан, түнкасидан бачки новда чиқариб ҳам күкаради. Кавказнинг кўп худудларида йўл чеккаларига қатор қилиб экилиб, хушманзара дарахт сифатида фойдаланилади. У ўртacha иқлимда, ҳавоси сернам мамлакатларда экилса, яхши ўсади.



19-расм. Гинкго билоба (*Ginkgo biloba L.*)

Ватанида 2000 ёшга кирган дарахтлари учрайди. Ландшафт курилишда кенг қўлланилади, хиёбонларда ва истироҳат боғларида, дам олиш масканларида кенг қўлланилади. Тошкент шароитларида яхши ўсади, қуруқ иссиқقا ва қурғоқчиликка чидамли тур сифатида кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Мажнунтол (*Salix babylonica L.*). Баландлиги 8-15 м, диаметри 50-60 см бўлган дарахт. Пўстлоғи бўйига ёрилган, тўқ қулрангда. Шоҳлари узун, ингичка бўлиб, кўпинча пастга осилиб ўсади. Новдаси сариқ-яшил ёки қизғиши рангда. Куртаклари майда, ўткир

учли, яшил-қүнғир рангда. Барглари тор ланцетсимон, узунлиги 10-16 см, эни 1-1,5 см, учи ўткир, чети майда тишчали, айрим вақтларда бутунлай тишсиз.

Ёш новдасидаги барглари тукли, юз томони тиник яшил, ялтироқ, орқа томони оқиши ёки зангори рангда. Барг бандининг узунлиги 0,7-0,9 см, бессимон тукли, барг пластинкасида 15-30 та ён томирлари бор. Ён баргчалари ланцетсимон ёки жуволдизсимон, ўткир учли, чети тишчали. Икки уйли дараҳт. Кучаласи ингичка, калта бандли, тубида баргчалари бор, гуллари зич жойлашган, барг ёзиб бўлгандан сўнг гуллайди. Гулён баргчалари ингичка, тухум ёки ланцетсимон, учки қисми узун тукли. Бу тол қаламчасидан яхши кўпаяди.



20-расм.Мажнунтол (*Salix babylonica L.*)

Мажнунтол Месопотамияда табиий тарқалган. Кавказда ва Марказий Осиё республикаларида манзарали ўсимлик сифатида қадимдан ариқлар, ҳовузлар бўйига кўп экилган. Шох-шаббаси эгилиб ўсанлигидан жуда чиройли манзарали кўриниш юзага келтиради.

Мажнунтол сув хавзалари чеккаларини кўкаlamзорлаштиришда кенг қўлланилади. Ландшафтли композициялар яратишда истиқболли тур ҳисобланади.

Оқ тут (*Morus alba L.*). Ушбу тут тури табиий равища Хитой, Япония Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Кавказда кенг тарқалган ва маданийлаштирилган. Баландлиги 15 метргача бўлиб, тана диаметри 80 см гача етади. 250 йилгача яшаси аниқланган. Катта ёшли дарахт танаси пўстлоғи қалин дарз кетган ва кулрангда. Янги новдалари кулранг-яшил ёки қизғиш-кул ранг бўлиб эгилувчанлиги юқори. Барглари турлича шаклларда: оддий, тухумсимон, чеккалари тишли ва ҳоказо.



21-расм. Оқ тут (*Morus alba L.*)

Оқ тут апрел-май ойида барглари пайдо бўлиши билан бир пайтда гуллайди. Гуллари майда, кўримсиз мевалари ширин, истеъмолга яроқли июн-июл ойларида пишиб етилади. Уруғлари майда, думалоқ оч кулранг-сариқ рангда, диаметри 2 мм атрофига. Оқ тут қаламчалари билан яхши кўпаяди. Узоқ ўтмишда Марказий Осиё ва Кавказ аҳолиси томонидан маданийлаштирилган, айниқса унинг балхитут, марварид тут номи билан халқ селекцияси маҳсули бўлган навлари кўплаб экиласди.

Оқтут ўрмон-аграр ландшафтларни юзага келтиришда иштирок этади, ландшафт қурилишда сув ҳавзалари ва йўллар чеккаларига кўплаб экилади.

Қора тут (*Morus nigra L.*). Қора тут оқ тутга нисбатан кам тарқалган, у асосан Эрон, Марказий Осиё ва Кавказда ўстирилади. Унинг барглари ипак қурти учун кам ишлатилади. Дарахти 10-15 м баландликда бўлиб, морфологик белгиларига кўра оқ тутдан деярли фарқ қилмайди. Мевалари июн-июл ойларида пишиб етилади, тўқ қизил, тўқ сиёхрангда бўлиб, нордон-ширин таъмга эгадир.

Қора тутнинг халқ селекцияси маҳсули бўлган шотут нави аҳоли томонидан кўплаб экилади.



22-расм. Қора тут (*Morus nigra L.*)

Асосан, қаламчадан қимматли навлари пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Кўкаламзорлаштиришда қора тутнинг манзарали новдалари пастга эгилиб ўсувчи шакли кўплаб экилади. Ландшафт қурилишда бу тур хиёбонларда, истироҳат боғларида, дам олиш масканларида тротуар чеккаларига экилади.

Далачой баргли тобулғи (спирея) (*Spiraea hypericifolia L.*). Қалин шох-шаббали, новдалари ингичка, құнғир қызил рангдаги, тукли бута бўлиб, баландлиги 1-1,5 м. Куртаклари майда, юмалок тухумсимон шаклда, кўп тангачалар билан қопланган, құнғир рангда, тукли, кўпинча дашт, тоғ ўрмонларида ўсади. Барглари тухумсимон ёки тескари тухумсимон, ё бўлмаса ланцетсимон бўлиб, битта томирли, учи 2-5 тишчали ёки бутун, юз томони тўқ яшил, устки томони яшил ёки зангори яшил рангда, узунлиги 7-35 мм, гуллари оқ рангда бўлиб, йиғилиб соябонсимон тўпгул ҳосил қиласиди. Май ойида гуллайди, гуллагандада жуда чиройли манзарали кўриниш юзага келтиради. Уруғдан яхши кўпаяди. Уни яшил тўсик учун экиш тавсия қилинади.



23-расм. Тобулғи (спирея) (*Spiraea hypericifolia L.*).

Ахоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилмоқда. Ландшафт курилишда композициялар яратишида фойдаланилади. Хиёбонларда, истироҳат боғларида дам олиш масканларида кўкаламзорлаштириш учун тавсия этилади.

Падуб баргли магония (*Mahonia aquifolium Nutt.*). Бу бута паст бўйли, баландлиги 1,5 метргача бўлган ерга ётиб ўсадиган

манзарали доим яшил ўсимлик бўлиб, барглари қаттиқ, ялтироқ, пўсти қалин, тўқ яшил рангда, баргчалари ўткир тишчали. У май ойида гуллайди, гуллари тилла ранг сариқ, йиғилиб шингилча ҳосил қиласи.

Резавор меваси серэт, қорамтири, ҳаво ранг, юмалоқ шаклда бўлиб, диаметри 8 мм гача, улар кузда етилади. Уруғ олиш учун мевасини август ойида йиғиш керак. Магония Шимолий Америкадаги тоғли ҳудудларда тарқалган.

Ўзбекистонда асосан, манзарали бута сифатида экилади, чунки унинг гули ва барглари жуда гўзал. Совуққа, қурғоқчиликка чидамли. МДҲ нинг Европа қисмида, жумладан, Украинада, Ленинградда, Уфада яхши ўсади. Илдизидан осон бачкилади, ўрмон мелиорацияси ишларида тоғ қияликларини ёмғир суви ювиб кетишидан сақлаш мақсадида экиш учун жуда қулай ўсимлик.



24-расм. Падуб баргли магония (*Mahonia aguifolium* Nutt.).

Магония шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилади. Хиёбонларга, ва дам олиш масканларига экилади. Ландшафт композициялари яратишда фойдаланилади.

Оддий зирк (*Berberis vulgaris* L.). Бута ўсимлиги бўлиб, баландлиги 3 м, пўстлоғи оқ қўнғир, шохлари ингичка. Апрель

ойида барг чиқариш билан бир вақтда гуллайди. Гуллари шингил кўринишда, сариқ рангда. Меваси тиник қизил рангда, барглари тўқ яшил рангда, жуда ҳушманзара бута.

Сояга ва қурғоқчиликка чидамли, илдизидан бачкилайди. Ёғочи тиник сариқ бўлиб, қуриганда қораяди, чиройли текстурага эга. Мевасидан турли ичимлик, мураббо ва конфет маҳсулотлари тайёрланади.

Танаси ва илдизининг пўстлоғидан олинган экстракт тери ва жун газламаларини бўяшда ишлатилади. Барглари ва меваси таркибида 6% га яқин олма кислота ва С витамини бор. У МДҲ нинг Европа қисми ўртаси ва жанубидаги ҳудудларда, Крим ва Кавказда тарқалган.



25-расм. Оддий зиркнинг (*Berberis vulgaris L.*) қизил баргли шакли

Оддий зирк Ўзбекистонга манзарали ўсимлик сифатида интродукция қилинган. Унинг айниқса қизил рангли баргларига эга манзарали шакли кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилади. Ландшафт қурилишида оддий ва Тунберг зиркининг қизил баргли зирк шакли истироҳат боғларига, хиёбонларга ва дам олиш масканларига экиш тавсия этилади.

Лигиструм (*Ligustrum vulgare L.*). Лигиструмнинг 50 га яқин тури бўлиб, кўкаlamзорлаштириш учун аҳамиятлиси оддий лигиструм ёки деворгул ҳисобланади. Бу ўсимлик тез қўпаядиган сершох, баландлиги 3-4 метргача бўлган бута. Барглари ланцетсимон, чўзинчоқ, шохларида узоқ сақланади.

Деворгул июн ойида гуллайди, сентябр-октябрда мевалари пишиб етилади. Мевасининг ранги тўқ кўк, қора, қизил ширали, 1-2 уруғли. 1000 дона уруғи 22 г оғирликка эга.

Асосан қаламчаларидан тез қўпаяди, жонли яшил девор сифатида қўплаб экилади, шохлари қирқувга ва шакл беришга яхши мослашган, турли шакллар ҳосил қилиши мумкин.



26-расм. Лигиструм (*Ligustrum vulgare L.*)

Жонли девор ҳосил қилувчи бута сифатида кўркаlamзорлаштиришда қўплаб экилади. Ландшафт қурилишида истиқболли ўсимлик ҳисобланади.

Оддий настарин (*Syringa vulgaris L.*). Настариннинг 30 га яқин тури маълум. Улар асосан манзарали ўсимлик сифатида кўкаlamзорлаштириш соҳасида ва аҳоли томонидан қўплаб ўстирилади.

Наастариннинг кенг тарқалгани оддий наастарин ҳисобланади, унинг селекция қилинган манзарали навлари ҳам мавжуд. Наастарин 6 метр баландликкача ўсиб, зич шох-шаббалар ҳосил қиласи. Наастарин май ойида гуллайди, гуллари тўғгул қўринишида оқ, сиёҳ ранг бўлиб жуда манзаралидир.

Кузда мевалари пишиб етилади, қанотсимон уруғлар ажралиб чиқади, узунлиги 1 см, 1000 тасининг оғирлиги 5-9 г, ургидан кўпаяди, сергул навлари пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Ландшафт қурилишида истиқболли ўсимлик ҳисобланади.



27-расм. Оддий наастарин (*Syringa vulgaris L.*)

Форзиция (*Forsythia suspens Vahl.*). Баландлиги 1,5-2 м га етадиган бута бўлиб, новдалари тик ўсади. Барглари тўқ яшил. Эрта баҳорда барг ёзишдан олдин гуллайди, гули сариқ, баҳор совуқларига чидамли.

Уруғдан ҳам, пархиш йўли билан ҳам кўпаяди, ёзги қаламчасидан ҳам кўпайтириш мумкин. Бу тур апрел-май ойларида гуллайди. Гуллари бутада узок сақланади. У сояга чидамли, бироқ

очиқ ерларда яхши ўсади, ер танламайди. Қурғоқчиликка, турли зааркунанда ва касалликларга ҳам чидамли.



28-расм.Форзиция (*Forsythia suspense*).

Форзиция шаҳар шароитлариға чидамли, кенг бордюрларни ва қияликларни кўкаламзорлаштиришда, газонларда солитер ва гуруҳ сифатида экилади. Ландшафт қурилишда хиёбонларда, дам олиш масканларда кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Доимяшил шамшод (*Vixus sempervirens L.*). Шамшод кичикроқ дарахт бўлиб, бўйи 10 м га яқин. Пўстлоғи силлиқ, кул ранг-яшил Новдаси 4 қиррали, яшил рангда. Барглари доим яшил, қалин пўстли, чети текис, калта бандли бўлиб, новдада доира шаклида жойлашади.

Шамшод дарахти март-апрел ойларида гуллайди. Меваси август-сентябр ойларида этилади. У кўсак шаклида бўлиб, учи томонида устунчалар қолдигидан ҳосил бўлган учта шохчаси бор, этилганда уч паллага ажралади.

МДҲ да шамшод дарахтининг бир неча тури учрайди. Кўкаламзорлаштириш соҳасида асосан доим яшил шамшод ўстирилади. У Ўрта ер денгизи атрофидаги худудларда тарқалган, Ўзбекистонда ахоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш

мақсадида кўплаб экилади. Шамшод дарахтининг ҳамма турлари деярли соясевар ўсимлик.

Шунинг учун улар ўрмонларда иккинчи ёки учинчи ярусда ўсади. Шамшод дарахти доим яшил, совуққа чидамсиз бўлиб, айrim вақтларда -20° , -22°C гача совуққа чидай олади. Кримда ва Украинанинг жанубида ҳамда Карпатда совуқ иқлимда ўсаётган шакллари бор. У тупроқнинг унумдорлигига ва ҳавонинг намлигига талабчан. Секин ўсади ва узоқ йил яшайди. Тўнкасидан ҳамда пархиш йўли билан кўпаяди, илдизидан бачкилайди.



29-расм. Доимяшил шамшод (*Buxus sempervirens L.*)

Ёғочи қиммат баҳоланади, унинг ранги тиник, пўсти қалин, пишиқ, қаттиқ бўлиб, яхши ёрилади ва ишлаш қулай. Шамшодни бутаб, ҳар хил шакл бериш осон. Шунинг учун жойларни кўкаламзорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида ҳавонинг қуруқлигидан анча зарарланмоқда. Шамшод жонли девор яратишда жуда қўл келадиган ўсимлик. Ландшафт қурилишда солитер, гуруҳ ҳолда партерда, жонли девор яратишда фойдаланиш тавсия этилади.

Япон бәхиси (*Chaenomeles japonica Lindl.*). Баландлиги 2 метр келадиган бута ўсимлиги. 3-4 ёшдан бошлаб апрелда гуллай бошлайди. Секин ўсади, совукқа чидамли бута. Тупроқ унумдорб ўлиши керак, очиқ жой, қүёшли майдонда яхши ўсади. Қурғоқчиликка чидамли. Кам шўрланган тупроқда ҳам ўсаверади, тутун ва газга чидамли. Кесиш йўли билан ҳар хил шакллар ҳосил қилиш мумкин. Ўсимликларни ёзда гуллаш даври тамом бўлгандан сўнг кесилади. Майсазорда якка турда, гурух ҳолида, жонли девор ва бардюр шаклида қўлланилади.



30-расм. Япон бәхиси(*Chaenomeles japonica Lindl.*).

Республиканинг барча вилоятларида манзарали ўсимлик сифатида ишлатилиши мумкин, кучли шўрланган тупроқлар ўсмайди. Гуллаш даврида манзарали кўриниш ҳосил қиласи. Шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда якка ёки гурух ҳолида, паст жонли деворларда ва бордюрларда экиш тавсия этилади. Ландшафт қурилишда истиқболли ўсимлик ҳисобланади.

Сурия Сурия атиргули (гибискус)и (*Hibiscus syriacus L.*). Баландлиги 3-4 метрга етадиган манзарали узоқ гулловчи бута. Бу ўсимлик қадимда Шимолий Хитойдан Европага интродукция қилинган манзарали ўсимлик ҳисобланади. Гуллаган даврида жуда хушманзара ҳисобланади, секин ўсади, 3-4 ёшидан бошлаб

гуллайди, гулларининг ранги оқ, пушти, бинафша ранг, қизил бўлиб, ҳидсиз. Сурия атиргули (гибискус) уруғидан, новда қаламчасидан ва пайванд усули орқали кўпайтирилади.

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилмоқда, газонларда солитер ёки гурӯҳ ҳолда хиёболарда, истироҳат боғларида ва дам олиш масканларига экишга тавсия этилади. Ландшафт қурилишида истиқболли ўсимлик ҳисобланади.



31-расм. Сурия Сурия атиргули (гибискус)и (*Hibiscus syriacus L.*)

Лагерстремия ёки ҳинд настарини (*Lagerstroemia indica L.*). Бу ўсимлик табиатда 7 метр баландликкача ўсувчи бута ҳисобланади. Ватани Хитой ҳисобланади, маданий ҳолда Ҳиндистонда кўп экилади. Гуллари йирик, 3-4 см диаметрга эга, ёрқин қизил рангда, тўпгулга йигилган, унинг узунлиги 20-25 см. Бута июн охиридан токи октябргacha гуллайди.

Уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтириш мумкин. Асосан ёғочлашган новда қаламчаларидан кўпайтирилади. Ҳинд настарини совуққа чидамли, ёруғсевар, доимий суғориш имкониятлари мавжуд жойларда яхши ўсади ва чиройли гуллайди. Ҳинд

настаринининг юқори манзаравийлик хусусиятлари уни Ўзбекистонда аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг тавсия этиш учун асос бўлади. Кейинги йилларда лагерстремия ўсимлиги давомий гулловчи манзарали бута сифатида Тошкент шаҳри шароитларида кўкаламзорлаштириш ва ландшафт дизайнида кенг фойдаланилмоқда. Бу манзарали ўсимлик қуруқ иссиқ шароитларда яхши ўсиб ривожланмоқда.



32-расм.Лагерстроемия ёки ҳинд настарини (*Lagerstroemia indica L.*).

Ипсимон юкка (*Yucca filamentosa L.*) баландлиги 1 метргача бўлган Агавадошлар оиласига киритилган кўп пояли доимяшил ўсимлик. Гулловчи тик пояси баландлиги 2 метргача, гуллари қўнғироқсимон кўринишда оқ-сариқ. Майда гуллайди, октябрда қайта гуллаши кузатилади.

Меваси думалоқ кўсакча, 5 см диаметрга эга. Бу турдан уруғ олиш учун уни сунъий чанглантириш лозим. Совуқقا чидамли, – 20°C совуқقا бемалол чидайди. Асосан уруғи, тупини бўлиш, илдиз бачкилари ёрдамида ва илдиз қаламчалари ёрдамида кўпайтирилади.

Юкка ўсимлиги жуда манзарали, шу сабабли солитер ёки гурух холатида экилади, ёки клумба, гулзорларни марказида

экилади. Юкка туркумига яна эгилувчан баргли юкка, шарафли юкка, Трекуля юккаси каби турлари кўкаламзорлаштиришда қўлланилади.

Марказий Осиёга интродукция қилинганига 120 йилдан ошиб кетди. Асосан тупини бўлиш, новда қаламчалари, камроқ ҳолатларда уруғлари билан қўпайтирилади. Баъзи юкка турларида уруғлари шаклланмайди, бунинг асосий сабаби уларни ватанида гулларини чанглайдиган капалак турини мавжудлигидир.



33-расм.Ипсимон юкка (*Yucca filamentosa* L.)

Ўзбекистонда юкканинг танҳо чангланадиган тури – алоэсимон юкка кўплаб уруғ беради. Кўкаламзорлаштириш учун кенг қўлланиладиган тури – ипсимон юкка ҳисобланади.

Оддий калина (*Viburnum opulus* L.) Табиатда калинанинг энг кўп тарқалган тури оддий калина (*Viburnum opulus* L.) ҳисобланади. Бу тур резавор қизил мевали бута. Унинг манзарали шакллари танлаш усулида яратилган: пакана калина (*V. opulus* “nanum” ва стерил калина (*V. Opulus* “Roseum”) шакллари кўкламзорлаштиришда кенг қўлланилади.

Булардан ташқари гордовина калинаси (*V. lantata*) – Кавказ ва Кримда ўсувчи бурин калинаси, Сарент калинаси, момик калина,

Даур калинаси – Шарқий Сибирда ўсувчи турлари кўплаб ўстирилади.

Калина қишига чидамли ўсимлик бўлиб, Республикализнинг қуруқ-иссиқ иқлимига яхши мослашган ва яхши ўсиб ҳосил беради ҳамда манзаравийлигини сақлаб қолади. Асалга бой ўсимлик. Шаҳар шароитларига яхши мослашади.

Калинанинг стерил мева тугмайдиган шарсимон гул тўпламидан иборат манзарали шакли “бульданеж”(корсимон шар) номи билан машҳур (*V.opulus f. sterile*). Апрел ва май ойида гуллайди.



34-расм. Оддий калина (*Viburnum opulus L.*)

Калина уруғлари, илдиз бачкилари ва қаламчалари ёрдамида кўпайтирилади. Калина йўл чеккаларида ландшафтли кўриниш юзага келтириш учун, тротуарлар чеккаларига, паркларга кўплаб экилади.

Розмарин туркумига битта тур – **доривор розмарин** (*Rosmarinus officinalis L.*) киритилган. Баландлиги 1,5 метргача бўлиб, шох-шаббасининг диаметри ҳам шунча келади. Ватани – Ўртаер денгизи мамлакатлари хисобланади. Тез ўсувчан, ёруғсевар,

курғоқчиликка ва ер шўрига чидамлидир. Нам кўпайиб кетса салбий реакция кўрсатади. Тупроққа талабчан эмас.



35-расм. Бульданеж (*V.opulus f. sterile*).

Шаҳар шароитларида чангли, газли-тутунли муҳитга чидамли ҳисобланади. Новдалари ингичка, танасидаги кўпалаб эфир мойи ажратадиган безлари бўлиб, жуда хушбўй ҳид таради. Кўп йиллик новдалари 4 қиррали. Барглари узунлиги 4 см, эни 0,5 см, ингичка ланцетли, устки қисми тўқ яшил, қуи қисми туклар билан қопланган.

Гуллари майда, бинафша ранг, барглари қўлтиғида 5-10 тадан жойлашган. Розмарин манзарали ўсимлик сифатида ландшафтли қурилиш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида кенг фойдаланилади.

**IV. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА
ВИЛОЯТЛАРНИ КҮКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН
ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС ДАРАХТ ВА БУТА
ТУРЛАРИ**

№	Вилоятлар	Дарахт-буталар ассортименти		
		Буталар	Япроқбаргли дарахтлар	Нинабаргли дарахтлар
1.	Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти	аморфа, юлғун, қандим, астрагал, черкез, лигуструм, суря атиргули (гибискус), атиргул турлари	қайрағоч турлари, гледичия, шумтол турлари, софора, жийда, туранғил, саксовул, айлант, оқ акация, маклюра, гүзал каталъпа, хилокатальпа, тол ва терак турлари, саксовул турлари, заранг турлари, тут турлари	биота, виргин арчаси
2.	Бухоро, Навоий вилоятлари	аморфа, юлғун, қандим, черкез, кум акацияси, лигуструм, суря атиргули (гибискус), атиргул турлари	қайрағоч турлари, шумтол турлари, гледичия, софора, жийда, айлант, оқ акация, маклюра, гүзал каталъпа, хилокатальпа, тол ва терак турлари, саксовул турлари, заранг турлари, тут турлари	биота, виргин арчаси
3.	Самарқанд ва Жиззах вилоятининг текислик қисми	аморфа, юлғун, черкез, лигуструм, суря атиргули (гибискус), шилви, форзиция, сумах, дрок, хинд настарини, атиргул турлари	қайрағоч турлари, гледичия, софора, жийда, айлант, оқ акация, маклюра, тут турлари, хандон писта	биота, виргин арчаси
4.	Самарқанд ва Жиззах вилоятининг тоғли қисми	зирк, маржон дарахти, калина, магония, шилви, форзиция, пироканта, атиргул турлари, суря атиргули (гибискус)	ипак акацияси, канада бағрянниги, жийда, терак, оқ акация, айлант, эман, каталъпа, сохтакаштан, заранг, жұқа, совун дарахти, шумтол турлари, чинор, Хандон писта, тут турлари	биота, виргин арчаси, мовийранг қорақарағай, тян-шан қорақарағай, крим қарағайи, метасеквойя,
5.	Сирдарё	аморфа, юлғун,	қайрағоч турлари,	Биота, Виргин

	вилояти	қандим, черкез, лигуструм, суря атиргули (гибискус), атиргул турлари	гледичия, шумтол, софора, жийда, турангил, айлант, оқ акация, саксовул, маклюра, терак, тут турлари	арчаси, элдор қарағай
6.	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг текислик қисми	аморфа, юлғун, қандим, черкез, қум акацияси, лигуструм, суря атиргули (гибискус), шилви, форзиция, сумах, дрок, атиргул турлари	қайрағоч турлари, гледичия, софора, жийда, айлант, оқ акация, саксовул, маклюра, тут турлари	биота, виргин арчаси, элдор қарағай
7.	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг тоғли қисми	зирқ, маржон дарахти, калина, магония, шилви, форзиция, пироканта, наъматак, суря атиргули (гибискус), шамшод, хинд настарини, атиргул турлари	ипак акацияси, канада багрянниги, дўлана, жийда, терак, оқ акация, айлант, эман, каталъпа, сохтакаштан, заранг, жўка, совун дарахти, шумтол турлари, чинор	биота, виргин арчаси, мовийранг қорақарағай, қрим қарағай, тян-шан қорақарағай, қрим қарағай, метасеквойя, элдор қарағай
8.	Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари	зирқ, маржон дарахти, калина, магония, шилви, форзиция, пироканта, наъматак, суря атиргули (гибискус), шамшод, хинд настарини, дрок, снежноядодник, сирен, скумпия, сумах, атиргул турлари	ипак акацияси, канада багрянниги, жийда, терак, оқ акация, айлант, қофоз дарахти, эман, каталъпа, сохтакаштан, заранг, жўка, маклюра, софора, совун дарахти, шумтол турлари, қайнин, терак, чинор	биота, виргин арчаси, казах арчаси, облонга арчаси, туя, мовийранг қорақарағай, қрим қарағай, тян-шан қорақарағай, қрим қарағай, кара метасеквойя, элдор қарағай
9.	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти	зирқ, маржон дарахти, калина, магония, шилви, форзиция, пироканта, наъматак, суря атиргули (гибискус), шамшод, хинд настарини, дрок, вейгела, будлея, скумпия, сумах, атиргул турлари	ипак акацияси, канада багрянниги, дўлана, жийда, терак, оқ акация, айлант, эман, каталъпа, сохтакаштан, заранг, жўка, маклюра, софора, совун дарахти, шумтол турлари, қайнин, чинор	биота, виргин арчаси, казах арчаси, облонга арчаси, мовийранг қорақарағай, қрим қарағай, тян-шан қорақарағай, метасеквойя, элдор қарағай

**V. Дараҳт-буталарнинг биологияси ва қўпайтириш усулига оид қисқа
МАЪЛУМОТЛАР**

Дараҳт ва бута турларин инг номи	Русча номи	Ўсиш форм аси	Шўрга чиdamл иги	Совукқа чиdamли ги	Сувга талабча нлиги	Қўпайти риш усули
Сурия атиргули	Гибискус сирийский	Б	3	4	2	Уруғ ва қаламча
Дала заранги	Клен полевой	Д	3	4	2	урұғ
Семеёнов заранги	Клен Семенова	Д	3	4	2	урұғ
Қирғоқ заранги	Клен гиннала	Д	3	4	2	урұғ
Татар заранги	Клен татарский	Д	3	4	2	урұғ
Кудрания	Кудрания	Д	3	4	2	Уруғ, илдиз бачкиси
Айлант	Айлант	Д	3	3	2	Уруғ, илдиз бачкиси
Сўғд шумтоли	Ясень согдийский	Д	3	4	2	урұғ
Сурия шумтоли	Ясень сирийский	Д	3	4	2	урұғ
Америка шумтоли	Ясень пенсильванский	Д	3	4	2	урұғ
Садакайр ағоч	Вязь густой	Д	3	4	2	Уруғ ва илдиз бачкиси
Оддий совундара хт	Мыльное дерево	Д	2	4	2	урұғ
Тошкент читалласи	Читальпа ташкенстка я	Д	3	3	2	қаламча
Чилонжи йда	Унаби	Д	3	4	1	Уруғ ва илдиз бачкиси
Ушла	Держи-	Б	3	3	1	урұғ

даражти	дерево					
Секуринга	Секуринега	Б	3	4	3	уроф
Мелия	Мелия	Б	3	2	3	Уруф ва илдиз бачкиси
Ёввойи нок	Дикая груша	Д	2	4	2	уроф
Тоголча	Алыча	Д	3	4	2	уроф
Писсард олчаси	Слива Писсарда	Д	3	4	2	уроф
Хитой багряники	Багрянник китайский	Д	2	3	2	уроф
Танга зирк	Барбарис монетный	Б	3	4	2	уроф
Узунчоқ зирк	Барбарис продолговатый	Б	3	4	2	уроф
Жингил (турли турлар)	Гребенщик (тамарикс)	Б	3	4	1-3	Уруф ва қаламча
Бўритика н (турли турлар)	Дереза	Б	3	4	1-3	Уруф ва илдиз бачкиси
Татар учқати	Жимолость татарская	Б	3	4	2	уроф
Маак учқати	Жимолость Маака	Б	2	4	2	Уруф
Нон жийда	Лох восточный	Д	3	4	1-2	Уруф ва қаламча
Чаканда	Облепиха	Б	2	4	4	Уруф ва қаламча
Қора ёнғоқ	Орех черный	Д	1	4	3	уроф
Мурч дарахти	Прутняк (перцовое дерево)	Б	3	3	2	Уруф ва қаламча
Америка қорақати	Смородина золотая	Б	3	4	2	қаламча
Канада тераги	Тополь канадский	Д	3	4	3	қаламча
Турангил	Туранга	Д	3	4	1-4	Илдиз

(турли турлари)						бачкиси
Бундук	Бундук	Д	3	3	2	Уруғ
Арнолд дўланаси	Боярышник Арнольда	Д	3	4	2	Уруғ
Қизил дўлана	Боярышник туркестанс кий	Д	2	4	3	Уруғ
Королков дўланаси	Боярышник Королькова	Д	2	4	2	Уруғ
Виргин хурмоси	Хурма виргинская	Д	3	4	3	Уруғ ва илдиз бачкиси
Ёввойи олма	Яблоня Сиверса	Д	3	4	3	Уруғ ва илдиз бачкиси
Шотут	Шелковица черная	Д	3	4	2	Пайванд
Қизил тут (мажнун тут)	Шелковица плакучая	Д	3	4	3	Пайванд
Ўрик	Абрикос	Д	3	3	2	Уруғ
Бехи	Айва	Д	3	4	2	Уруғ
Қоғоз дараҳти	Бумажное дерево	Д	2	3	2	Уруғ ва илдиз бачкиси
Қиз узум	Девичий виноград	Л	3	4	2	Қаламча
Оддий гилос	Вишня обыкновен ная	Д	3	3	2	Илдиз бачкиси
Чўзиқ каталпа	Катальпа овальная	Д	2	4	3	уруғ
Фаргез каталпаси	Катальпа Фаргеза	Д	2	4	3	уруғ
Бигнон каталпаси	Катальпа бигнониева я	Д	2	4	3	уруғ
Қор меваси	Снежнояго дник белый	Б	1	4	3	Уруғ ва қаламча
Тобулғи	Спирея Вангутта	Б	1	4	3	қаламча

Текома	Текома	Л	3	4	1-2	қаламча
Шарқ туяси	Тuya восточная	Д	3	4	2	уруғ
Виргиния арчаси	Можжевел ьник виргинский	Д	3	4	2	Уруғ
Қрим қарағайи	Сосна крымская	Д	1	4	2	Уруғ
Оқ акация	Белая акация	Д	2	4	2	Уруғ ва илдиз бачкиси
Канада багряниги	Багрянник канадский	Д	3	4	2	Уруғ
Қайрағоч	Вяз приземист ый	Д	3	4	2	Уруғ
Тикан дарахт	Гледичия	Д	3	4	2	Уруғ
Оқ тол	Ива белая	Д	3	4	3-4	Қаламча
Мажнун тол	Ива плакучая	Д	3	4	3-4	Қаламча
Оддий қатранғи	Каркас кавказский	Д	2	4	2	Уруғ
Гүзал каталпа	Катальпа прекрасная	Д	2	4	3	Уруғ
Маклюра	Маклюра	Д	3	4	2	Уруғ
Япон софораси	Софора японская	Д	3	4	2	Уруғ
Оқ терак	Тополь белый	Д	3	4	3	қаламча
Оддий шумтол	Ясень обыкновен ный	Д	3	4	2	Уруғ
Аморфа	Аморфа	Б	3	4	2-3	Уруғ
Оддий тотим	Сумах обыкновен ный	Б	3	4	2	Уруғ ва илдиз бачкиси
Күш жийда	Лох узколистны й	Д	3	4	2	Уруғ
Оқ тут	Шелковица белая	Д	3	4	2	Уруғ

Скумпия	Скумпия	Д	3	4	1	Уруғ ва илдиз бачкиси
---------	---------	---	---	---	---	-----------------------------

Изоҳ: Д-дараҳт, Б-бута, Л-лиана;

Шўрга чидамлиги: 1- кам чидамли, 2- ўртacha чидамли, 3- жуда чидамли;

Совуққа чидамлиги: 1- қишда кўмиш керак, 2- кам чидамли, 3- ўртacha чидамли, 4- жуда чидамли;

Сувга талабчанлиги: 1-кам талабчан, 2- ўртacha талабчан, 3- жуда талабчан, 4- фақат сув бўйларида ўсади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1. РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДЛАРИНИНГ ИҚЛИМ ВА ТУПРОҚ ШАРОИЛари ТАВСИФИ.....	7
2. КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН ЕР МАЙДОНЛАРИНИ ТАНЛАШ, КЎЧАТЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ.....	24
3. ҲУДУДЛАРНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ-БУТА ТУРЛАРИ.....	45
4. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАРНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ УЧУН ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС ДАРАХТ ВА БУТА ТУРЛАРИ.....	86
5. ДАРАХТ-БУТАЛАРНИНГ БИОЛОГИЯСИ ВА КЎПАЙТИРИШ УСУЛИГА ОИД ҚИСҚА МАЪЛУМОТЛАР.....	88

